

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“ОММАВИЙ АЛОҚАЛАР ВА РЕКЛАМА” КАФЕДРАСИ**

Зайнутдинова Малика Абдувалиевна

***“СИЁСИЙ ПАРТИЯ ГАЗЕТАСИ ВА ПАРТИЯ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ ҲАМКОРЛИГИ”***

(ЎзХДП ва “Ўзбекистон овози” газетаси мисолида)

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
ф.ф.н. Нишонова Г.У.**

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
I БОБ. Сиёсий партиялар тизимида матбуот хизматларининг ўрни....	8-30
1.1. Сиёсий партиялар фаолиятида PR хизматлари ва уларнинг аҳамияти.....	8-17
1.2. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси матбуот хизмати: ишлаш тамойиллари ва вазифалари.....	18-30
II БОБ. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси матбуот хизматининг партия нашри билан ҳамкорлиги.....	31-52
2.1. “Ўзбекистон овози” газетаси ҳамда унинг веб саҳифасида партия ҳаёти.....	31-44
2.2. ЎзХДП матбуот хизмати тадбирлари ва материалларини газета ва веб саҳифада ёритилиши.....	45-52
ХУЛОСА.....	53-59
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60-62

КИРИШ

Фукароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг ва фаол тарғиб этиш учун уларни зарур маълумотлар билан таъминлашда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда сиёсий партияларнинг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутди. Президентимиз томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”¹да “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ҳамда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш каби вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни назарда тутди. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини фаоллаштириш, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа масалаларнинг ҳуқуқий ечими айнан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топади.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз ҳуқуқий давлатни раванк топтириш борасида катта ижтимоий-сиёсий йўлни босиб ўтмоқда. Бу борадаги ҳаракатларни эса сиёсий партияларсиз, уларнинг ҳаракатларисиз тасаввур

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Халқ сўзи, 2010. 13 ноябрь.

этиш жуда мушкул. Сиёсий партиялар субъект сифатида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида муҳим роль ўйнайди. “Ислохотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларининг турли-туманлиги асосида қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди”¹. Мана шу фуқароларни иштирокини йўлга қўйишда эса жамоатчилик билан ишлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юртимиз сиёсий майдонида сиёсий партияларнинг мавжудлиги, улар орасида (яққол намоён булмасада) рақобатнинг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Бу эса жамиятни демократлаштириш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, Президентимиз айтганидек, “Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир”².

Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро қураши, ғоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун қураш бўлиши табиий. Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари 2500 га етди. Улар фақат аҳоли фикрларининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатиши даркор. Паблик рилейшиз эса худди шундай муҳит эҳтиёжи ва маҳсулидир. У жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш вазифасини ўзида мужассам этган.

Бутунжаҳон Паблик Рилейшнз Ассамблеяси мутахассисларининг эътироф этишича, жамоатчилик билан ишлаш ташкилот ва муассасаларнинг қизиқишларига хизмат қилувчи, унинг натижаларини олдиндан айтувчи, раҳбариятга маслаҳатчи, режалаштирилган дастурларни татбиқ қилувчи ижтимоий фан ва санъатдир. Бу муайян соҳа бўйича аниқ манзилга эга бўлган

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Б.12.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б.87.

жамоатчилик фикри билан омукта бошқарув фаолияти бўлиб, у расмий буйруқбозлик, зўрлик бошқарувидан холидир. Шу боис, у аниқ, ҳаққоний ахборотларга суянади.

Жамият бошқарувида нотўғри, ноаниқ, далилланмаган ахборот энг аввало, жамоатчилик фикрига жуда салбий таъсир кўрсатади. Иккинчидан ахборот етказувчи муассасанинг нуфузи-имижини туширади. Натижада икки томонлама муносабатларда ишонч йўқолади. Бу эса Паблик Рилейшнзнинг энг устувор асосига зиддир. Чунки ўзаро ишонч, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги асос саналади¹.

Шиддаткор ахборот асри ҳар бир ташкилотнинг матбуот хизмати олдига улкан вазифалар қўймоқда. Матбуот хизмати ўз ташкилотининг ахборот оқимини вужудга келтириши, ўзи ишончли ахборот манбаига айланиши, ОАВ вакиллари ташкилотга тегишли ҳар қандай ахборотни матбуот хизматидан тезкорлик билан олишига имкон яратиши лозим. Шу нуқтаи назардан биз танлаган мавзу долзарб деб ҳисоблаймиз. Негаки, матбуот хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлик фаолияти жамоатчилик билан алоқаларнинг энг самарали усулларида биридир.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишимизда жамоатчилик билан алоқалар, хусусан, матбуот хизматлари вазифалари, уларнинг жамият равнақига турки бўлиш омиллари, шунингдек, ОАВ билан ҳамкорлик шакллари ва усуллари партиа матбуот хизмати ва нашри фаолияти мисолида тадқиқ этишни мақсад қилиб олдик. Тадқиқот олдига қўйилган бу мақсадга эришишда, қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

- Сиёсий партиалар фаолиятида PR хизматларининг аҳамиятини ўрганиш;
- Ўзбекистон Халқ Демократик партиаси матбуот хизматининг ишлаш тамойиллари ва вазифаларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон ХДП матбуот хизматининг партиа нашри билан ҳамкорлик шакллари ва усуллари таҳлилга тортиш;

¹ Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. - М.: Рефл-бук, 1999. С.55.

- “Ўзбекистон овози” газетаси ҳамда унинг веб саҳифасида партия ҳаётига оид материаллар кўламини ўрганиш;
- ЎзХДП матбуот хизмати тадбирлари ва материалларини газета ва унинг веб саҳифасида ёритилишини таҳлилга тортиш.

Мавзунини ўрганилганлик даражаси. Паблик рилейшнзга бўлган эътибор борган сари кучайиб, мазкур фаолиятни янада чуқурроқ ўрганиш натижасида унга бағишланган қатор асарлар яратилмоқда. Даставвал 90-йиллардан бошлаб бу соҳага оид бир қатор таржима асарлар нашр этилди. Э.Ноэль-Ноймanning “Общественное мнение. Открытие спирали молчания”; Г.Брумнинг “Паблик рилейшнз: теория и практика”; С.Блэкнинг “Введение в паблик рилейшнз” асарлари шулар жумласидандир¹.

Кейинроқ Д.В.Ольшанскийнинг “Политический PR”; А.В. Лукашев, А.В.Пониделконинг “Черный PR” как способ овладения властью или бомба для имиджмейкера”; Е. Пашенцевнинг “Паблик рилейшнз: от бизнеса до политики”; В.Корольконинг “Основы паблик рилейшнз”; В.А.Моисеевнинг “Паблик рилейшнз: теория и практика” Б.А.Грушиннинг “Массовое сознание: опыт определения и проблемы исследования”² асарлари чоп этилиб, улар сиёсий жараёнларда ҳукумат, давлат институти ва алоҳида сиёсий шахслар ҳамда жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни самарали ўрнатиш масалаларига бағишланади.

Ишнинг илмий янгилиги. Ишимизда илмий манбаларга таянилган ҳолда сиёсий жараёнларда жамоатчилик билан алоқаларнинг ўрни, аҳамияти, усул ва услублари тадқиқ этилиб, Ўзбекистон ХДП матбуот хизматининг фаолиятига, унинг партия нашри билан ҳамкорлик ишларига ҳолис баҳо берилган.

¹ Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания. М., 1996.; Брум Г. Паблик рилейшнз: теория и практика. М., 2000.; Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. Ростов-на-Дону, 1998.

² Ольшанский Д.В. Политический PR. - СПб., М.: Питер, 2003.; А.В. Лукашев, А.В.Пониделко. “Черный PR” как способ овладения властью или бомба для имиджмейкера. - СП, Бизнес-пресса, 2001.; Пашенцев Е. Паблик рилейшнз: от бизнеса до политики. - М. Рефл-Бук. 2001.; Королько В. Основы паблик рилейшнз. - К. Ваклер, 2000.; Моисеев В.А. Паблик рилейшнз: теория и практика. - К.: ВИРА, 1999.; Грушин Б.А. Массовое сознание: опыт определения и проблемы исследования. - М., 1997.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув иши хулосаларидан сиёсий пиар фаолияти билан қизиқувчилар, журналистика факультети талабалари фойдаланиши мумкин. Шунингдек, матбуот хизматларининг иш услубларига оид айрим мулоҳазалар билан танишиш истагида бўлган барча қизиқувчилар учун фойдали маълумотлар мавжуд.

Ишнинг тузилиши. Малакавий битирув ишимиз кириш, тўрт фаслдан таркиб топган икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Сиёсий партиялар тизимида матбуот хизматларининг ўрни.

1.1. Сиёсий партиялар фаолиятида PR хизматлари ва уларнинг аҳамияти.

Ўзбекистондаги сиёсий ислохотлар жараёнида сиёсий тизим элементлари орасида давлатдан кейин сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳам ўз ўринларига эга.

Сиёсий партиялар турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ифода этиб, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этадилар ёки ҳокимиятга бевосита таъсир кўрсатадилар. Сиёсий партиялар тизими бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўппартиявийликдан иборат бўлиб, ҳозирги замонда кўппартиявийлик тизими демократик ривожланиш талабларига кўпроқ даражада мос келиши қайд этилмоқда. Шу жиҳатдан 2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кенгайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш сари ташланган янги бир муҳим қадам бўлди¹.

Ҳозирги замон жамиятларининг сиёсий ҳаёти мураккаб, зиддиятли ва серқиррали бўлиб, унда кўп сонли иштирокчилар, яъни сиёсат субъектлари иштирок этади. Бу иштирокчилар орасида энг кўзга кўринарли ўринлардан бирини сиёсий партиялар эгаллайди. Бугунги ривожланган дунёда сиёсий партия мавжуд бўлмаган давлат борлигини тасаввур қилиш мушкул, деярли барча давлатларда икки ёки кўппартиявий тизим мавжуд. Цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан бўлмиш сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётдаги демократия ва барқарорликни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб, у ижтимоий ташкилотлар орасида энг сиёсийлашган ташкилотдир.

“Сиёсий партия” тушунчасининг луғавий маъноси нима? “Партия” атамаси латинча “parts” сўзидан олинган бўлиб, „қисм, бўлак“ деган

¹ “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кенгайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун // [www. lex.uz](http://www.lex.uz)

маъноларни англатади. Сиёсий партия деганда фуқароларнинг муайян сиёсий мақсадлар атрофида бирлашган ва муайян сиёсий ташкилотларга уюшган қисми, бўлаги тушунилади.

Сиёсий партиялар бугунга келиб, дунёнинг ривожланган давлатларида халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга айландилар. Бундан хулоса шуки, сиёсий партия жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у муайян гуруҳ ёки қатламнинг мақсад ва манфаатларини ифода этувчи, уни умумдавлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият кўрсатадиган, ривожланишнинг сиёсий йўналишларини аниқлаб берадиган сиёсий ташкилотдир.

Сиёсий партиянинг вазифалари:

1. Муайян сиёсий мақсадни ишлаб чиқиши, партия ўз мафкураси ва дастурини яратиб, уни маъқулловчи жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳаракат қилади.

2. Сиёсий фаолиятда иштирок этиш. Бунда, муайян манфаатлар ҳимоя этилади.

3. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. Бунда, фуқаро руҳияти партия мақсадларини амалга оширишга йўналтирилади ва жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришда ОАВ дан фойдаланилади.

4. Партиянинг ҳукмрон элитасини шакллантириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва жамият ўртасидаги алоқани таъминлаш, бошқа сиёсий институтлар билан биргаликда давлат ва ижтимоий бошқарувнинг механизмини шакллантириш, ҳокимият тузилмалари ва механизмларининг барқарорлигини таъминлаш.

5. Сиёсий маданиятни ошириш.

6. Парламент ва ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиш.

7. Сиёсий етакчиларни тарбиялаш.

8. Давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этиш¹.

Ўзбекистан шароитида эса юқоридагилардан ташқари сиёсий партиялар янги бир демократик тузум куришда жамият олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уларни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, давлат ва жамият курилишида амалий таклифлар билан чиқишда ташаббускор бўлишлари зарур. Бу вазифалар албатта партия тизимида фаолият кўрсатаётган матбуот хизматларининг бевосита амалий тадбирларида амалга оширилади.

Президент И.А.Каримов “Модомики, биз демократик жамият курмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак... Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириши керак. Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил этиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадига эришишга интилади... Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия - халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, десак, айна ҳақиқат бўлади”², - деб таъкидлайди.

Бугун мамлакатдаги тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири қонунчилик палатасида ўз фракциясига эга. Ҳар бир фракция қонунчилик палатасидаги қайси қўмита раҳбарлигига номзод кўрсатган бўлса, ўша қўмитанинг фаолиятини ташкил этмоқда. Бўлиб ўтган сайловларда ғалаба қозониб, парламентда энг кўп ўринни эгаллаган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 3 та қўмита, Халқ демократик партияси 2 та қўмита фаолияти учун масъулдир. Миллий тикланиш демократик партияси замонавий ахборот

¹ Мамадалиев Ш. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истикболлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. Б.24.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.78.

коммуникациялари, Адолат социал-демократик партияси эса кўпроқ давлат бюджети билан боғлиқ масалалар билан шуғулланмоқда.

Ҳозирги шароитда қуйи палатани реал ҳокимият кучига эга бўлган сиёсий партия вакиллари билан мустаҳкамлаш ва энг муҳими, ҳар бир сиёсий партиянинг ижтимоий обрўйини оширишга имкон яратиш, соғлом, яратувчи сиёсий оппозицияга кенг йўл бериш орқали сиёсий ҳаётда демократия принципини мустаҳкамлаш зарур. Акс ҳолда қуйи палата ўзининг сиёсий вазифасини самарали бажара олмайди. Хусусан, қайд этилган сўнгги масала тўғрисида Президент И.А.Каримовнинг “Бизнинг заиф томонимиз - ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат бахсларда туғилади, деб бежиз айтилмаган”¹ деган сўзлари диққатга сазовор.

Айни шу оппозиция масаласини ҳал этишда ҳам РР хизматлари фаолиятини жонлантириш айни муддао. РР хизматлари рақобатни кучайтиради, партия идентификациясини аниқлаштиради, жамоатчиликни фаолроқ бўлишга ундайди. Афсуски, Ўзбекистонда бу борада ҳали етарлича амалий фаолият олиб борилаётгани йўқ. Шундай бўлсада, дастлабки ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Чунки, демократик давлатларда мамлакат парламентида сайловларда иштирок этаётган у ёки бу партия ўзининг дастурий мақсадларини янгидан шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлни (курсни) танлаши, унинг ўз олдига қўйган мўлжали ва мақсадли вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.79.

Янгидан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партия ҳукуматни шакллантиради, унинг етакчиси ёки вакили эса Бош вазир лавозимига даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Парламентда кўпчилик ўринни эгаллашга муваффақ бўла олмаган партия эса “норасмий ҳукумат”ини сақлаб қолаверади ва у зарур бўлган пайтда мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Мазкур қонуннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, “янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилишлари мумкин. Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас”¹.

Ривожланган демократик давлатларда кўпгина партиялар парламентдан жой олишга муваффақ бўлишдан анча илгари вужудга келган бўлиб, айтиш мумкин, уларнинг ташкилий ва ички тузилиши шакл ҳамда сайқал топган. Партиянинг шаклланиши учун узок вақт талаб этилади, сайлов кампанияси жараёнида унинг дастури ҳамда ташкилий тузилиши кўп маротаба синовдан ўтиши, ўз сафига янги аъзоларни жалб этиш юзасидан кўп йил иш олиб бориши, фуқаролар сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллигини анча юқори даражага кўтариши тақозо этилади. Бу эса партиянинг ўз фаолияти давомида олиб бораётган PR технологияларининг самарали қўлланилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Партиялараро дебатларнинг бўлиб ўтиши, сиёсий рекламаларнинг йўлга қўйилиши, ижтимоий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказилиши, жамоатчилик билан алоқаларнинг самарали йўлга қўйилиши талаб этилади.

Сўнгги сайловда кузатилган ҳолатларда партиялар ўртасидаги рақобат анча жонланган эди. 2009 йилнинг 18 декабрь куни телевидение орқали Ўзбекистон халқ демократик партиясининг сайловолди дастуридан ўрин олган

¹ Мамадалиев Ш. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истиқболлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. Б.52.

масалалар билан чиқиши намойиш этилди. Кўрсатув давомида партия аъзолари ўзига рақобатчи ҳисоблаган ЎзЛиДеП фаолияти ва сайловолди дастурини кескин танқид қилишди. Партия фаоли Мухтасар Абдурахмонованинг айтишича, - “ЎзХДП ижтимоий ҳимоя масаласига асосий эътиборни қаратади ва бу йўналишдаги кичик ютуқлардан тортиб, давлат бюджети харажатларини белгилашгача, ижтимоий харажатларни оширишга йўналтирилган самарали ташаббуслари билан фахрланади. Лекин ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал этишда ЎзЛиДеП ҳеч қандай хизмат қилгани йўқ”. Жумладан, кўрсатув иштирокчилари либерал-демократлар парламентда катта депутатлик кучига эга бўлишига қарамасдан, ижтимоий муаммоларни ечимига етарлича эътибор қаратмаганлиги билан бир қаторда жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистондаги оқибатларини бартараф этиш, уй-жой коммунал соҳаси ислоҳотига ишбилармонликни жалб қилиш масалалари билан боғлиқ бепарволигини танқид остига олишди. Кўрсатувда партия вакилларининг, ЎзЛиДеПга нисбатан бундай танқидий фикрларни билдириши, бизнингча, бир кун олдинги чиқишида либерал–демократлар ХДПнинг ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ вазифаларини амалга оширишини фақат ваъдалардан иборат эканлигига ишора қилганлиги асос бўлган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари ХДПни ижтимоий масалалар, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолияти орқали жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий масалаларни ҳал этишда аниқ бир чора-тадбирлар режасига эга эмаслигига муносабатини билдирган эди. Жумладан, партия фаоли Муҳаммадилхон Йўлдошев ҳам Ўзбекистон халқ демократик партияси сайловолди дастуридан ўрин олган вазифаларни қандай йўللار орқали амалга оширилишини кўрсатмаган деган фикрни айтганди. ЎзЛиДеП эса улардан фарқли ўларок, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан бошқа партиялар сайловолди дастурлари ўрганиб чиқилганда, аксарият вазифалар

куруқ ваъдалардан иборат эканлиги аниқланган. Масалан, “Адолат” СДП телевидение орқали ўтган чиқишида қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий қилиш ваъдасини берган. Баъзи партиялар давлатимиз ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишларни сайловолди дастурида кўтариб чиқаяпти. Лекин қайси йўл билан бажарилиши айтилмаган. Либерал-демократлар “Адолат” СДП сайловолди дастуридан ўрин олган вазифаларга ҳам танқид тошларини отди. Ўйлаймизки, адолат тарафдорлари ҳам бунга асосли ва муносиб маълумотлар билан жавоб қайтаришган.

“Сайловолди платформасидан ўрин олган масалалар юзасидан сиёсий партиялар бир-бирларини танқид қилиш йўлига ўтди. Кўриниб, турибдики, сайловларга санокли кунлар қолганлиги муносабати билан улар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити юзага келаяпти. Зийрак сайловчилар бу жараёнларни жиддийлик билан кузатмоқда. 27 декабр куни ўтказиладиган сайловларда қайси сиёсий партия халқни ишонч ва эътиборига кўпроқ сазовор бўлганлиги унинг натижаси орқали маълум бўлади” деб ёзилади интернет сайтларидан бирида¹. Бу каби баҳслар бир қатор нашрларда ҳам акс этди. Бироқ сайлов ўтгандан сўнг бу баҳсларга чек қўйилди.

Шу ўринда айтиш керакки, жамоатчилик фикри шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни каттадир. Шу пайтгача жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг расман ва бир томонлама аҳолига маълумот узатиши асосий эътиборга олинар эди. Бироқ, кейинги даврларда аҳолига узатилган маълумотларга нисбатан унинг реакцияси, яъни муносабатини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Бу мантиқан тўғри ҳамдир, чунки оммавий коммуникация расмий субъектнинг (оммавий ахборот воситалари) маълумоти норасмий субъект (оддий фуқаро) томонидан ижобий қабул қилинса ва қўллаб-қувватлансагина у одамлар томонидан муваффақиятли тарзда ўзлаштирилади. Ҳар қандай муҳим хабар, маълумот одатда оилада, меҳнат жамоасида, норасмий гуруҳда муҳокама қилинади ва ўз баҳосини олади. Бу ҳам шаклланаётган жамоатчилик билан алоқалар технологияларининг бир

¹ www.12.uz.

кўринишидир. Бу технологияларни самарали ва доимий қўлланилиши жуда кўп ижобий бурилишларга сабаб бўлади.

Бунинг учун:

- ҳар бир сиёсий партиянинг ўз электорати - уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлами бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди. 2007 йилда бўлиб ўтган президентлик сайлови шундай ижтимоий қатлам шаклланаётганлигини кўрсатди. Лекин ҳали барча партиялар ҳам шундай электоратга эга деб айта олмаймиз;

- сиёсий партиялар ўз ғоя, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади;

- партиялар ўз ғоявий-сиёсий платформаларини ҳимоя қила олишлари, шу билан бирга бошқа партияларнинг ғоявий-сиёсий платформаларидаги камчиликларни аниқлай олишлари лозим;

- ҳар қандай партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, фақат Марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда албатта ўз аъзолари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда ҳар қандай партия сиёсат сахнасидан тушиб кетади;

- партиялар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ва давлат турмушининг у ёки бу воқеаларига нисбатан ўзларининг қатъий муносабатларини жамоатчилик эътиборига етказишга ҳаракат қилишлари лозим. Айнан шу ҳол партияларнинг ғоявий-сиёсий платформаларига янада сайқал бериш, халққа ўзини танитиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг хал этилиши партияларга ўз қиёфаси, ўз услубига эга бўлиш, ўз сафларини анчагина тўлдириш имконини беради ва Ўзбекистоннинг кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш имконини яратади.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар жамиятнинг энг фаол ва умумхалқ манфаатлари йўлида дунёқараши, мақсади, фикрлар муштараклиги бир бўлган мамлакат фуқароларининг муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва сиёсий

ҳокимият учун (парламент ва президент сайловларида) курашадиган сиёсий ташкилот бўлгани боис фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ажралиб турмоғи лозим. У жамиятнинг барометри бўлиб, халқнинг давлат ҳокимияти тизимининг энг қуйи бўғинидан тортиб то юқори бўғинигача бўлган қисмини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтайди. Сиёсий партиялар барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайловларда иштирок этар эканлар, ўз навбатида, давлат ҳокимияти тизими ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда алоҳида ўринга эга.

Ўтган йилларда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини босқичма-босқич кенгайтиришга қаратилган ҳаракатлар доимий равишда ривожлантириб борилди. Даставвал, Конституциямизда фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ва улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996 йил) Қонуни қабул қилинди. 2004 йилда қабул қилинган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни партияларнинг молиявий мустақиллигини, иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг зарур ҳуқуқий асосларини яратди.

Шу ўринда, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва роли кучайди, энг муҳими, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини янада кенгроқ рўёбга чиқариш борасида партияларга катта имконият ҳамда ҳуқуқлар берилди.

Бугунги кунда сиёсий партиялар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда. Маълумки, 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

кўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тақдим этилган эди. Концепцияда мамлакатимиз Конституциявий тизимида иккита янги институтни жорий қилиш билан боғлиқ Юртбошимиз таклифи алоҳида диққатга сазовор. Буларнинг бири келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқининг сиёсий партиялар ваколатига берилиши бўлса, иккинчиси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини киритиш тартибини белгиловчи институтдир. Мамлакатимиз Конституциявий тизимида мутлақ янги иккита институтнинг жорий қилиниши Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бирга жамоат ташкилоти ҳисобланган, лекин ўзининг функцияси, мақсад ва вазифасига кўра жамият сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи сиёсий партияларга юксак ишонч ва катта масъулият юклатилган.

Хулоса шуки, Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланган тизими зарурати жамоатчилик онгида ҳали етарли даражада шаклланмаганлиги боис сиёсий партиялар фаолиятидаги юқорида келтирилган субъектив омилларга боғлиқ камчиликларни тузатиш уларнинг халқдан ажралиб қолмасликларига, унинг қалбига йўл топа олишларига ёрдам беради. Бу эса жамоатчилик билан алоқалар тизими орқали рўёбга чиқади. Дунё халқлари, миллатлари саҳнасида ўз муносиб ўрнимизни бизга бошқа халқ, мамлакат ёки давлат яратиб бермайди. Албатта, бу вазифани ўзимиз бажармоғимиз лозим. Шунинг учун бугунги сиёсий жараёнларда умуммиллий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда партиялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалий муқобил таклифлар билан чиқишлари, турли ижтимоий гуруҳларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини таъминлашлари, ўз ваколатлари даражасида халқни эргаштириб, уни мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар этишни амалга оширишлари зарурдир.

1.2. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси матбуот хизмати: ишлаш таъминлари ва вазифалари.

Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлагани унинг мамлакат сиёсий кучлари сўл қаноти бўлишлигини белгилайди.

“Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистоннинг мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш, мамлакатда фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади.

Халқимизнинг мустақиллик ва озодлик, тенглик ва адолат, тинчлик ва тотувликка азалий интилишлари партиямиз мафкурасининг табиий сарчашмаларидир. У халқимизга ҳамisha хос бўлган ва бугун ҳам унинг менталитетини белгилайдиган ҳамжиҳатлик, жамоавийлик принципларига таянади”¹.

Партия дегани - бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади. Аммо жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли беқарорликларни келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас².

Демократик режимдаги икки партиявий ёки кўппартиявий тизимга эга бўлган давлатларда ҳукмрон партиялар ва муҳолиф партиялар ўртасида соғлом рақобат мавжуд бўлади. Муҳолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади. Шу ўринда “муҳолиф партия” сўзига изоҳ бериб ўтсак. Муҳолифат барча ижтимоий-сиёсий тизимларда мавжуд, лекин улар

¹ www.xdp.uz.

² Каримов И.А Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Б.66.

ташкилий расмийлаштирилган ва расмийлаштирилмаган бўлишлари мумкин. Биринчи ҳолда улар мустақил гуруҳ ва партиялар тусида мавжуд, иккинчи ҳолда расмий тус олишни хоҳламаган ёки ололмаган ва мавжуд сиёсатга қарши бўлмаган бошқа бирлашмаларнинг ҳимояси остида яширинган мухолифат шаклида бўлади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мухолифнинг ҳуқуқларини сиёсий плюрализмни амалга ошириш туридан бири, сўз ва уюшмалар тузиш эркинлиги ифодаси сифатида таъкидлайди. Унга кўра “Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик идораларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматларини ҳеч ким камситиши мумкин эмас” дейилган².

Сиёсий тажриба орттириш ва сиёсий етукликка эришиш, энг муҳими, молиявий мустақиллик, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратига таяниш бу, шак-шубҳасиз, бугунги кунда сиёсий платформаси ва йўналишидан қатъи назар, мамлакатимизда барча сиёсий партиялар босиб ўтаётган йўлдир. Айнан кўппартиявийлик орқали жамиятда амал қилаётган турли ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадлари ҳамда ниятлари аниқ кўринади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг дастлабки асарларидан бири бўлмиш “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида ушбу ҳолатни инсон ўз сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий борлиғини эркин танлашни кафолатлаш мумкинлиги шартларидан бири деб ҳисоблайди. Бунда у: “Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат

¹ Юридик энциклопедия. –Т.: Шарқ, 2000. Б.326.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 34-модда.

ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак”, деб таъкидлайди¹. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига биноан, зўравонликка асосланган ёки маълум диний ва ирқий ғояларга асосланган сиёсий партиялар ташкил топиши қонун билан таъқиқланади. Тўғри, мустақил ривожланишимизда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар, камчиликлар ҳам учраб турибди. Аммо уларни ким ҳал қилади? Ўзимиз, хусусан, биз ишониб овоз берадиган депутатлар эмасми?! Шу маънода ҳақиқий фаол партиялар бутун халқ иродасини амалга оширишга кафолат беришлари шарт.

Вазирлик, ташкилот, муассаса ё корхона жамоатчилиқни воқиф қилиш, муаммо ва таҳликали вазиятларни ўрганиб, таҳририятлар билан алоқаларни кучайтириш, доимий равишда чиқишлар уюштириш, муайян соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий ҳаёт даражасини ёритиб бориш, иқтисодий-сиёсий, маънавий-мафкуравий жабҳадаги ислохотларнинг моҳиятини таҳлил фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз жамоатчилиқка етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиш матбуот хизматларининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистонда ҳам матбуот ва ахборот хизматлари жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш тизимида янги ташкилий тузилма сифатида шакллана бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарорида идораларда ахборот хизматини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари белгилаб берилди. Ушбу қарорда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, ошкора фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналиши ҳисобланиши қайд этилган ҳолда, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.:Ўзбекистон, 1996. Б.46.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида хабардор қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этилиши белгиланган. Ахборот хизматларининг вазифалари ҳам қарорда аниқ кўрсатилган¹. Мазкур қарорга мувофиқ тадқиқотимиз объекти бўлган Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати фаолиятини таҳлил этар эканмиз, партия матбуот хизматининг функционал вазифалари қайд этилган ҳужжатларни кўздан кечиришга қарор қилдик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот хизматининг функционал вазифалари Паблик рилейшнз фани назариясида кўзда тутилган қоидаларга мос келади. Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати Марказий Кенгаш аппаратининг партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, дастурий режаларини амалга ошириш учун нималар қилмоқчи эканлиги ҳақида жамиятни тезкор хабардор этишга, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатиш учун масъул бўлган бўлинмасидир. Унинг умумий вазифаларига асосан қуйидагилар киради:

- партия матбуот органлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон ХДП аъзолари ва кенг жамоатчиликни партия, унинг кенгашлари, ташкилот ва муассасалари фаолияти билан тезликда хабардор этишни ташкиллаштиради;

- партия қурултойлари, Марказий Кенгаш пленумлари, Ижроқўм ва Ижроқўм Ҳайъати мажлислари ҳақида информацион ахборотлар, ҳисоботлар тайёрлайди ва уларни ўз вақтида партия матбуотида чоп этилишини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарори. //Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. Б.152-157.

таъминлайди. Шунингдек, бошқа умумпартиявий воқеалар, маҳаллий кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотларининг йирик тадбирлари матбуотда ёритилишини уюштиради;

- Марказий Кенгаш Ижроқўми Ҳайъатининг партия нашрлари таҳририятлари билан уйғун ахборий сиёсат юргизишда ўзаро ҳамкорликни таъминлайди;

- иш фаолиятини ташкил этиш, кадрлар корпусини танлаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини оширишда партия марказий ва маҳаллий матбуот органлари таҳририятларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

- ЎзХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларидан Марказий Кенгаш матбуот хизматига келадиган ахборотларни саралаб, марказий матбуот нашрларида “ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар” рукни остида чоп этишга тайёрлайди.

- “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталарида (ҳафтанинг душанба, чоршанба, пайшанба, жума кунлари) партия ҳаётига оид мақолаларни саҳифалаш, уларнинг мазмуни партия дастурий мақсадлари талабларига мос бўлишини таъминлашда таҳририятга яқиндан кўмаклашади;

- Партиявий анжуманлар, тадбирлар олдидан пресс-релизлар тайёрлайди ва уни партиявий ва нопартиявий ОАВ вакилларига тарқатади. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистлар учун брифинглар ва матбуот конференциялари ташкил қилади¹.

ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизматида Сектор мудир ва Сектор референти лавозимларида икки нафар ходим ишлайди. Уларнинг асосий кундалик вазифаларига қуйидагилар киради:

- партия марказий нашрларининг ҳар бир янги сонини мониторинг қилиб боради, эълон қилинган ижтимоий-сиёсий, партиявий ҳамда танқидий чиқишларнинг ҳисобини юритади.

¹ Қаранг: ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати Низоми. (ХДП матбуот хизматининг мақсад ва вазифалари)

– партиянинг барча минтақавий кенгашларидан жойларда ўтказилган тадбирлар тўғрисида доимий маълумот олади ва улар асосида партия марказий нашрлари учун ахборот тайёрлайди.

– партия марказий нашрлари обунаси билан бевосита шуғулланади, партия минтақавий кенгашларидан обуна тўғрисида тегишли маълумотлар олади ва Марказий Кенгаш Ҳайъатига обунанинг жойлардаги ҳолати ҳақида ахборот беради.

– партия марказий нашрларининг мониторинги асосида уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, таҳририят мухбирларининг ишлаши ҳақида ҳар чорак якунида Марказий Кенгаш Ҳайъатига ахборот беради.

– Марказий Кенгаш томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ёки бошқа тадбирларда партия марказий нашрлари мухбирлари ва бошқа ОАВ вакиллари иштирокини таъминлайди.

– Марказий Кенгаш томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ёки бошқа тадбирлар ҳақида ОАВ учун пресс-релиз тайёрлайди ва уларнинг қайси ОАВда ёритилганлигини мониторинг қилади.

– оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган партия манфаатларига бевосита дахлдор чиқишларни мунтазам кузатиб боради. Барча ОАВларда сиёсий партиялар чиқишларининг умумий мониторингини юритади ва ҳар ой якунида бу ҳақда умумий маълумот тайёрлаб Марказий Кенгаш Ҳайъатига тақдим этади. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП ҳақидаги нотўғри ахборотларга қарши туриш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

– Марказий Кенгашнинг иш режасида белгиланган бошқа вазифаларни бажаради¹.

Хўш, партия матбуот хизмати ходимлари кимлар ва уларнинг вазифалари нимадан иборат? ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизматида Сектор мудир ва Сектор референти лавозимларида икки нафар ходим ишлайди. Улар ҳар куни куйидаги вазифаларни бажаришларини ўргандик: Республикамизда нашр

¹ Қаранг: ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати Низоми. (Сектор мудир ва Сектор референти вазифалари)

этиладиган етакчи газета ва журнал материалларини мунтазам ўқиб, уларда ХДП ва бошқа партиялар фаолиятига оид материалларни ўрганиб борар эканлар, шунингдек, партиялараро мунозарали материаллар алоҳида жилдларга йиғилиб борилад ва кунда улар партия вакиллари томонидан таҳлил қилинар экан.

Кўриб турганимиздек, жамоатчилик фикрига таъсир этувчи барча материаллар эътибордан четда қолмаслиги, улар алоҳида ўрганилиб, тезкор муносабат билдириш йўлга қўйилгани бежиз эмас. Жамоатчилик фикри матбуот ва ОАВнинг барча кўринишларида газета, радио ва телекўрсатувлар фаолиятида доимий равишда ўз ифодасини топади. Демак, уларга эътиборсизлик, жамоатчилик назаридан четда қолиш билан баробар. Бу эса партия фаолияти учун кечириб бўлмас хатолик бўлади.

“Жаҳон андозаларини ўрганган ҳолда биз PRдан жамоатчилик фикрини шакллантиришда, омманинг фикрини ахборот ёрдамида бошқаришга эришишимиз мумкин. Зеро, PR давлат ва жамият ташкилотлари билан бирга қонун чиқарувчи органлар, ҳокимият органлари билан бир томондан, иккинчи томондан, кенг халқ оммаси, шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва институтлар ўртасида ўзига хос алоқа ўрнатишга ёрдам бериши шубҳасиз”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятини ўзида акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу² эканлиги жамиятда ўз исботини топмоқда.

Матбуот хизмати ходимлари партиянинг барча минтақавий кенгашларидан жойларда ўтказилган тадбирлар тўғрисида доимий маълумот оладилар ва улар асосида партия марказий нашрлари учун ахборот тайёрлайди.

Марказий Кенгаш томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ёки бошқа тадбирларда партия марказий нашрлари мухбирлари ва бошқа ОАВ вакиллари иштирокини таъминлайди. Шунингдек, ОАВ учун

¹ Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010. Б.26.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда деморатик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.24.

пресс-релиз тайёрлайди ва уларнинг қайси ОАВда ёритилганлигини мониторинг қилади.

Ташкилотда матбуот хизматини ташкил этиш учун нималарга эътибор бериш зарур? Биринчиси, матбуот хизмати ҳуқуқий асосларини, мақсад ва вазифаларини белгиловчи Низоми ёки Йўриқномаси ишлаб чиқилиши ва мутасадди ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Бу ХДП матбуот хизматида мавжуд. Иккинчиси, ташкилот биносида матбуот хизмати учун алоҳида хоналар ажратилиши ва уларда стол-стуллар ва бошқа зарур жиҳозлар билан бир қаторда факсли телефон, компьютер (принтер ва сканери билан), телевизор, радио, видео, видеокамера, диктафон ва бошқа зарур ашёлар бўлиши зарур. Учинчиси, матбуот хизмати ходими республикамиз етакчи газета-журналларини мунтазам кузатиб бориш имконига эга бўлиши лозим. Бу борада ташкилотга обуна йўли билан келадиган нашрларнинг тахламлари иложи борица матбуот хизмати хонасида туриши мақсадга мувофиқдир. Мазкур талабларга ҳам тадқиқотимиз объекти бўлган матбуот хизмати жавоб беради.

ХДП Матбуот хизмати томонидан 2011 йилнинг июль-август ойларида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботида шундай маълумотларни ўқиймиз: ХДП матбуот хизмати томонидан 2011 йил июль-август ойларида ўтказилиши режалаштирилган партиявий тадбирлар асосида медиа-режа ишлаб чиқилиб, ушбу режа ижроси юзасидан барча вилоят Кенгашларига тегишли тавсиялар ва амалий ёрдамлар бериб борилди. Хусусан, партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан режалаштирилган тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва намунавий матбуот хабарномаси сўраб мурожаат қилган 12 та хати тегишли равишда ўрганиб чиқилди. Сиёсий Кенгаш Ижроий Қўмитасининг 2011 йил 14 июнда қабул қилинган “Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари учун навбатдаги партия ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида” ги 01/502 сонли фармойишга асосан, “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида аҳолининг турмуш даражасини оширишда ХДП депутатлик гуруҳларининг энг

муҳим устувор вазифалари” мавзусидаги ўқув семинарлар 7 июль куни Наманган ва Навоий вилоятларида 15 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашида 23 июль куни Навоий вилоятининг Зарафшон, Томди ва Учқудук туман кенгашлари ва Самарқанд вилоят Кенгашларида ташкил этилишига амалий ёрдам берилиб семинар тафсилотлари “Ахборот”, “Давр”, информацион дастурларида “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Машъал” радиоканалларида ҳамда “Ўзбекистон овози”, “Жамият” “Моҳият” ижтимоий-сиёсий нашрлари ва www.xdp.uz расмий веб саҳифасида кенг ёритилиши таъминланди ва ўқув курсларга тегишли намунавий матбуот хабарномалари тайёрлаб берилди.

Шунингдек, ХДП Самарқанд вилояти Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан 28 июль куни “Ёшларни ҳар томонлама камол топишида қонунчиликнинг аҳамияти” мавзусида ўтказилган тадбирни партия имижига хос равишда юқори савияда ташкиллаштириш юзасидан тавсиялар берилиб, “Давр” информацион дастури “НТТ” дастури ва партиянинг www.xdp.uz веб сайти орқали ёритилиши ХДП матбуот хизмати томонидан ташкиллаштирилди. 29 июль куни “QWERT PRINT” босмахонаси билан жорий йил 3 август ва 5-6 август кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган партиявий тадбирларга сифатли тарқатма материаллар тайёрлаш бўйича шартнома имзоланиб, тегишли маълумотлар тайёрланиб тақдим қилинди.

3 август куни Тошкент шаҳридаги Пойтахт бизнес марказида ўтказилган “Аёлларнинг сиёсий фаоллиги ва жамиятдаги мавқеини оширишда замонавий технологияларнинг ўрни ва роли” мавзусидаги давра суҳбатини юқори савияда ташкиллаштириш ҳамда марказий босма ва электрон ОАВ тармоқларида кенг ёритилишини таъминлаш юзасидан Матбуот хизматининг режаси ишлаб чиқилиб мазкур режа асосида тадбир тафсилотлари билан кенг ёритилиши таъминланди. Ушбу тадбирни вилоятлар кесимида уюшқоқлик билан ўтказилиши юзасидан ҳудудий кенгашларга тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар берилди ҳамда намунавий пресс релиз лойиҳаси тайёрланиб жўнатилди.

10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган “ХДП кадрлар захираси – фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омили” мавзусидаги 2 кунлик махсус ўқув семинар учун пресс релиз лойиҳаси тайёрланди. Тадбирни “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” ва “Худуд” информацион дастурларида кенг ёритилиши таъминланди. Мазкур ўқув семинарнинг вилоятлар кесимида юқори савияда ўтказилиши ва кенг ёритиш юзасидан иш режа ишлаб чиқилиб бу борада ҳудудий партия кенгашларига амалий услубий ёрдам берилди ҳамда намунавий пресс релиз лойиҳалари тайёрлаб жўнатилди.

1 июлдан 31 августгача бўлган муддатда партия ҳудудий Кенгашлари ва Сиёсий Кенгаш Ижроий Қўмитаси томонида йирик масштабдаги 18 та тадбир Республика телеканалларида ёритилди. Шундан 10 та тадбир “Ахборот” дастурида, 5 та тадбир “Давр” дастурида 4 та тадбир “Худуд” информацион дастурларида ёритилди. Шунингдек мазкур тадбирлар партия веб сайтида ҳамда республика радиоканаллари ва маҳаллий ОАВ тармоқларида ҳам кенг ёритилди”¹.

Кўриб турганимиздек, партия матбуот хизмати ўз вазифасига жиддий ёндашгани ва ОАВда партия фаолиятининг ёритилиши борасидаги мониторингни ҳар ой мунтазам ўтказиши кузатилади. Бироқ матбуот хизмати вазифалари бу билан чекланмайди.

«Жамоатчилик билан алоқалар ўрнатаётган ташкилот ўз фаолияти давомида шундай иш қилиши керакки, унинг дастурлари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотсин. Матбуот хизмати жамоатчиликка шуни кўрсата олиши керак. Яъни, жамоатчилик шу ташкилот фаолиятига қизиқсагина унга эътибор беради. Акс ҳолда, у ҳақда етарлича ахборот ё маълумотга эга бўлмаса, жамоатчилик бепарво ўтиб кетаверади», деб таъкидлайди Т. Эшбеков¹.

¹ Қаранг: ХДП Матбуот хизмати томонидан 2011 йилнинг июль-август ойларида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.

¹ Эшбеков Т.У. Жамоатчилик билан алоқалар ва матбуот хизматлари. Маърузалар матни. –Т.: Университет, 2008. Б.30.

Жамоатчилик билан алоқалар ижтимоий амалиётлар мажмуи сифатида маълум таркибий қисмга эга. Шартли равишда ушбу ижтимоий амалиёт таркибини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга турли тадбирлар, тақдиротлар, кўргазма, ярмарка, хайрия тадбирлари, семинар, конференция ва бошқаларни киритиш мумкин. Махсус тадбирлар рўйхати ва таркиби аниқ чегарага эга бўлмасдан, ижтимоий субъектларнинг коммуникация амалиётига боғлиқ равишда тараққий этади. Мазкур гуруҳни ташкилий PR дейиш мумкин. Ушбу ҳолатда PR-мутахассиси кўпроқ аниқ бир лойиҳанинг менежери, муаллифи ва ташкилотчиси сифатида намоён бўлади. Бу ерда унга асосан, аниқ ва пухта ташкилотчилик қобилияти, инсонларни бошқара олиш кўникмаси, тадбирнинг иқтисодий жиҳатларини тартиблаш, реклама акцияларини жорий этиш маҳорати керак бўлади. PR тадбирларининг иккинчи гуруҳи ОАВ билан бевосита алоқа ўрнатишга йўналтирилган бўлади. Бу гуруҳни медиарилейшнз ёки прессрилейшнз дейиш мумкин. Унга газета-журналлар, телевидение, радио, ахборот агентликлари, турли хил интернет манбаалари воситасида PR амалиётини ўтказиш тушунилади.

Журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг “Америка журналист нигоҳида” китобидаги ушбу фикрлар эътиборга моликдир: “Ҳар куни бир вақтда АҚШ давлат департаменти матбуот котиби журналистлар учун брифинг ўтказар экан. Эрталаб соат 4⁴⁵ да матбуот хизмати ходимлари газета, ТВ материалларини таҳлил қилишга киришади. Интернет кўздан кечирилади. Шундай таҳлил асосида шу куннинг энг долзарб муаммолари аниқланади ва брифингда журналистлар томонидан берилиши мумкин бўлган саволлар рўйхати тузилади. Ушбу материалларни олгач, матбуот котиби Пентагон, ҳарбий разведка, Марказий разведка бошқармасига мурожаат этиб, айти пайтда нималар ҳақида очиқ гапириш мумкину нималар ҳақида мумкин эмаслигини маслаҳатлашиб олади”¹.

Ахборот хизмати раҳбари – ташкилот раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланади. У барча масалаларда ташкилот раҳбари билан бевосита

¹ Раҳматуллаев Т. Америка журналист нигоҳида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. Б.28.

мулоқотда бўлиб, бу соҳада унинг яқин маслаҳатчиси, таъбир жоиз бўлса, ёрдамчиси бўлиб ҳам хизмат қилиши керак. Шунингдек, матбуот котиби масъул ходим ҳисобланади. У ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳам масъулдир.

Матбуот котиби матбуот конференцияларида, брифингларда ҳамда ОАВ вакиллари билан суҳбатларда ташкилот раҳбари номидан гапириши, турли саволларга жавоблар бериши, ахборот тарқатиши, раддия бериши мумкин. У бу ишларнинг барчасини ташкилот раҳбари билан бевосита келишган ҳолда амалга оширади. Буларнинг бари уларнинг режаларида қайд этилган.

«Матбуот хизматига ушбу ихтисосликка эга бўлган журналист-кадрлар ишга қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Журналистикадан беҳабар, газета таҳририятлари, ахборот агентликлари, радио ва телевидение ишини тушунмайдиган шахс матбуот хизматида фаолият кўрсата олмайди», деб таъкидлайди Т. Эшбеков².

Бу борада ХДП матбуот хизмати фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмайди. Партия тадбирлари ОАВда кенг ёритилган ҳолда, матбуот хизмати томонидан ўтказилган тадбирлар жуда кам кузатилади. Шунингдек, матбуот хизмати тарқатган материаллар ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди.

“Шу ўринда ахборот хизмати соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигини айтиш лозим... Аслида ахборот хизматининг ходимлари қайси касб эгалари бўлишлари керак? Тармоқ ходимими ёки ижодкор журналист? Бир қарашда у қадар мураккаб туюлмаган ушбу саволга бир ёқлама жавоб бериш тўғри бўлмайди, назаримда. Бир одам икки, тамомила турли касб-корнинг сир-асрорларидан, ўзига хос хусусиятларидан тўлалигича боҳабар бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳол. Қолаверса, идоравий манфаатга хизмат қилиб, умуммиллий манфаатлар тимсоли бўлмиш журналистикада ижод қилиш мумкин эмас. Ва аксинча, барчанинг ташвишлари ҳақида қайғуриб, ўз идоравий манфаатини ёддан чиқарувчи ходим қайси ташкилотга керак?

² Эшбеков Т.У. Жамоатчилик билан алоқалар ва матбуот хизматлари. Маърузалар матни. –Т.: Университет, 2008. Б.27.

Назаримизда, энг оқилона йўл — манфаатларнинг моҳиятан уйғунлигига эришиб, мақсадларнинг муштарак мезонларини кашф этишга кодир мутахассисгина ахборот хизматида самарали фаолият юритиши мумкин.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришда эндиликда илғор манипулятив технологияларнинг тез ривожланаётгани боис, бу каби тузилмаларда унинг табиатига монанд бўлган касб эгалари, яъни жамоатчилик билан алоқалар мутахассиси, унга ёндош бўлган имиджмейкерлар, спичрайтерлар, сиёсий технологлар, психолог ва социологлар, стилистлар, нутқ ва нотиклик санъати усталари фаолият юритиши керак”, деб тўғри фикр билдирган устозимиз Бобур Алихонов¹. Афсус бизда бу фаолият тури жуда ёш бўлгани боис, унга мувофиқ кадрлар хали тўлиқ шаклланган эмас.

АҚШда президентлик бошқаруви тизими масалалари бўйича эксперт Стивен Хесс “Ҳукумат билан матбуот ўртасидаги алоқа: ахборот хизмати вакиллари ва уларнинг вазифалари” китобида шундай деб ёзади: “Ахборот хизматига ҳукуматнинг садақаси ёки унинг таъсирчанлик кўрсаткичи сифатида эмас, балки эркин жамият табиатидан ва давлатнинг фуқарога муносабатидан келиб чиқадиган нарсаси сифатида қараш керак. Демократия шароитида ҳукумат учун, у қандай бошқараётгани тўғрисидаги ахборотни оммага етказишдан ҳам кўра нима табиийроқ бўлиши мумкин? Демократик жамиятда матбуот билан мулоқот, бу — бурч!”¹. Кейинги бобда ХДП матбуот хизматининг айнан шу бурчи борасида фикр юритилади.

¹ Абдиев И. Ахборот хизмати: масъулият, тезкорлик ва холислик. (давра суҳбати) // Ҳуррият, 2010. 18 апрель.

¹ Қаранг: Салливан М. Масъул ахборот хизмати. <http://usinfo.state.gov>. Б. 7-10

II БОБ. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси матбуот хизматининг партия наشري билан ҳамкорлиги.

2.1. “Ўзбекистон овози” газетаси ҳамда унинг веб саҳифасида партия хаёти.

Мамлакат ва дунё сахнасида рўй бераётган ислохотлар жараёнининг такомили, янгиланишуви ўзгаришларнинг самараси, кўлами жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилувчи оммавий ахборот воситаларига бевосита боғлиқ. ОАВ да фаолият юритаётган журналистнинг маҳорати, тажриба ва малакаси у ёки бу воқеани тўғри таҳлилу талқин этилиши ёхуд ислохотларга нисбатан салбий фикрни уйғотишга хизмат қилиши мумкин. Тан олиш жоизки, мамлакат миқёсидаги ўзгаришларни журналистларимиз кўп ҳам чуқур англаётгани ва теран таҳлилига эришаётгани кўзга ташланмайди. «Профессионал журналист, сиёсатшунос, шарҳловчи кадрлар танқислиги сезилмоқда. Уларда тажриба, дадиллик етишмаяпти, зиммага масъулият олишдан чўчиш ва лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатлари ҳукмрон. Кўпгина журналистлар ҳанузгача эскича фикр юритишдан халос бўлолмаяптилар, муҳим муаммоларни ёритишда уларда қатъият ва принципиаллик етишмайди»¹.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари олдида бутунлай янги вазифаларни қўймоқда. ОАВ аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак.

Юртимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларда онгли иштирок этиш учун фуқаронинг хабардорлик даражаси юқори бўлиши керак. Бунга қандай эришилади? Албатта, оммавий ахборот воситалари орқали. Барча жараёнлар қандай кечмоқда? Ислохотларнинг бориши қандай? Уларга кимлар

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.124.

ва нималар тўғаноқ бўлмоқда? Бу ва бошқа саволларга ҳар куни жавоб топган одам, албатта ўз ҳаётий позициясига эга бўлади.

Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги кайфиятларнинг барометрига айланмаганлиги, ижтимоий манфаатлар ойнаси бўла олмаётганлиги ҳамда мавжуд ҳақиқий аҳвол ҳақидаги ахборотнинг кенг аҳоли оммасига етиб бормаётганлиги ислохотлар жараёнини англаб етишга халақит бермоқда. Фуқароларнинг бу жараёнларга онгли иштирокига тўсиқ бўлаётган омиллардан бири ҳам айнан шу чекланган ахборот олинаётганлигидир.

“Журналист бор ҳақиқатни очик ёзиши ва муҳаррир уни аҳоли диққатига етказиши учун сўз эркинлиги амалда таъминланган бўлмоғи, ошкоралик муҳити яратилмоғи лозим. Фақат шундагина матбуот ўзининг вазифасини тўлақонли бажара олади. Яъни, унинг хабардор қилмоқ ва назорат ўрнатиш каби энг муҳим вазифалари рўёбга чиқади. Бундан бутун жамият манфаат кўради. Мамлакат ривожини таъминлашнинг муҳим омили ҳам шунда”¹.

Мамлакатимиздаги энг нуфузли ижтимоий-сиёсий газеталардан бири “Ўзбекистон овози”дир. У Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг марказий нашри ҳисобланади. Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган. Шиори – “Шу азиз Ватан - барчамизники!”. Унинг “ЎзХДП ҳаёти”, “Фракция фаолияти”, “Парламент”, “Сиёсат”, “Қарор ва фармонлар”, “Танқид ва таҳлил”, “Иқтисодиёт”, “Маданият ва спорт”, “Ҳуқуқ”, “Ижтимоий ҳаёт” каби рукнлари бор.

Газета партия нашри сифатида ҳаётнинг барча жабҳалари, ижтимоий масалалар, ёшлар тарбияси, бандлик масаласи, фаол аёллар ва тадбиркорлик борасида қатор мақолалар чоп этади. Унинг саҳифасида партия ҳаёти, фаолияти, тадбирлари кенг ёритилади. Шунингдек, бошқа муқобил партиялар билан олиб бораётган баҳс-мунозаралар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг саҳифаларида партия фаолиятида аъзолар

¹ Убайдуллаев У. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2000. №3-4. Б.2-3.

томонидан йўлга қўйилаётган камчиликлар ҳам, партия фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳам батафсил таҳлил этилади.

Партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрини билиш, шунингдек, электорат вакиллари кизиқтираётган масалаларни ўрганишда ижтимоий сўровларнинг ўзига хос ўрни бор. ЎзХДП Марказий Кенгаши бу масалага жиддий эътибор бериб, сўровнома ўтказгани газета саҳифаларида ёритилади.

“Яқинда партия Марказий Кенгаши мафкуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалар бўлими томонидан минтақавий кенгашлар билан ҳамкорликда ижтимоий сўров ўтказилди. Унда 6 минг нафардан зиёд аҳоли вакили иштирок этди. Уларнинг аксариятини ЎзХДП аъзолари, партия электорати вакиллари ташкил этди. Қувонарлиси, ижтимоий сўровда партиёга аъзо бўлмаган фуқаролар ҳам фаол қатнашиб, саволларга аниқ ва батафсил жавоб бердилар”¹.

Ижтимоий сўров орқали “ЎзХДП ташкилотлари ўтказаетган тадбирларда иштирок этиб борасизми?”, “ЎзХДП ташкилотлари томонидан ўтказилаётган қайси тадбирлар сизга маъқул?”, “Ўзбекистон ХДП қайси соҳа ва масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши керак, деб ўйлайсиз?” деган саволларга жавоб олингани маълум қилинади. Иштирокчиларнинг 1757 нафари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-машғулотлари, 686 нафари иқтисодий форумлар, 3887 нафари эса турли мавзудаги давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар маъқуллигини баён этишди.

“Иштирокчиларнинг 1114 нафари аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш, 1256 нафари жойларда мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, 2506 нафари аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан боғлиқ муаммолар, 830 нафари янги иш ўринлари ташкил этишга, 388 нафари давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган айрим қонунбузарлик ҳолларини бартараф этиш ва 267 нафари эса бошқа масалаларга ЎзХДП ташкилотлари кўпроқ эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайди”¹.

¹ Курбонов А. Ижтимоий сўров: талабчанликни ошириш зарур. // Ўзбекистон овози, 2012. 26 апрель.

¹ Курбонов А. Ижтимоий сўров: талабчанликни ошириш зарур. // Ўзбекистон овози, 2012. 26 апрель.

Шунингдек, газета депутатлар фаолиятига оид сўров натижалари билан ҳам таништириб, халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда фаолликни оширишлари лозимлигини таъкидлайди. Бу жуда ўринли таъкид бўлиб, партия депутатлари фаолиятини таҳлил ва тафтиш этишни, партия ишини янада жонлантиришнинг эътиборли жиҳатидир.

“Ўтказилган сўров натижалари нисбий, албатта. Аммо аҳоли вакиллариининг қизиқишлари, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш келгусида партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича ўзига хос таклифлар олиш, йўл қўйилаётган камчиликлардан маълум хулоса чиқариш имконини беради”.

XIX асрда “Атлантик мансли” газетаси муассиси Джейм Ловелл шундай ёзган экан: “Ижтимоий фикр босими атмосфера босимига ўхшайди. Кўзга кўринмайди, бироқ, жуда кучли таъсирга эга”². Дарҳақиқат, демократик мамлакатларда ижтимоий фикр қудратли динамик кучга эга. Негаки, демократия ҳокимият монологидан халқ билан диалогга ўтишни билдиради. Жамоатчилик фикрини ўрганиш эса, бу кучни йўналтириш, ундан унумли фойдаланишни тақозо қилади. Ривожланган ғарб демократияси шароитида жамоатчилик фикри “бешинчи ҳокимият” сифатида тан олиниб, жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва турли институтларни назорат қилади.

Кейинги мақола бевосита депутатлар фаолиятига оид бўлиб, жойлардаги депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари борасида фикр юритилади.

“Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир”¹.

Депутатлик сўровидаги масалалар сайловчилар билан учрашувларда билдирилган таклиф ва тавсиялар ҳамда уларнинг бевосита мурожаатидан

² Овчинникова М.А. Связи с общественностью как технология президентской власти в США. - М., 2002. С.35.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни. 1994. 8-модда.

келиб чиқади. Демак, депутат юқори ташкилотларга сўров билан мурожаат қилар экан, сайловчиларининг фикр ва эътирозларини илгари суради. Мақолада Бўстонлик туман Кенгашига 14-“Паргос” сайлов округидан сайланган ЎзХДП депутати Ўрмон Тўлагановнинг, Сирдарё туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Рустам Қодировнинг сайловчилар мурожаатларига ечим топишда депутатлик сўровидан унумли фойдаланаётганлари баён этилади. Аммо айрим масалаларни ҳал этиш осон кечмаётгани, бир муаммони ҳал этиш учун турли ташкилотлар билан унга ечим топишга тўғри келаётганини депутатлар маълум қилишади.

Мақоланинг аҳамиятли жиҳати шундай иборатки, унда айнан шу ҳудудлардаги депутатларни ўз ваколатларидан самарали фойдаланмаётганлари танқид остига олинади. “Айрим депутатлар электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларига депутат сўрови юборишда, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда сусткашликка йўл қўймоқда. Бўстонлик туман Кенгашида ЎзХДП депутатлари 11 нафарни, Сирдарё туман Кенгашида 13 нафарни ташкил этса-да, уларнинг ҳаммасини ҳам бу борада фаол деб бўлмайди. Айрим депутатлар депутат сўрови институтидан самарали фойдаланмаяпти”².

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи ҳар бир масалани ўрганишга ва ҳал этишга масъулият билан ёндашиши кераклиги маълум. Шундагина депутат сўрови натижасиз қолмайди. Бу депутатнинг қатъиятига боғлиқ, албатта. Депутатнинг фаоллиги ўз навбатида маҳаллий ҳокимият раҳбарларида масъулият хиссини оширишга, электорат манфаатига дахлдор масалалар ечим топишига хизмат қилади.

Мазкур масала жуда долзарб бўлгани боис, газета унга мунтазам жой ажратади. Яна бир мақолада шундай маълумотларни ўқиймиз:

- Шу йил ҳисобидан тегишли ташкилотларга 14 та депутатлик сўрови билан мурожаат қилдим, - дейди Жиззах вилоят Кенгаши депутати Ақром

² Эгамкулов Э. Депутат сўровида кўтарилган масала ижобий ҳал бўлиши электоратнинг партиёга ишончини оширади. // Ўзбекистон овози, 2012. 15 март.

Иномов. - Бироқ уларнинг 4 тасига жавоб олдим, холос. Орадан уч-тўрт ой ўтиб бораётганига қарамасдан мутасаддилар негадир сукут сақлашяпти.

Маълум бўлишича, партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз жорий йилнинг 4 ойида 97 та депутатлик сўрови билан мутасадди ташкилотларга мурожаат қилган. Ҳозиргача бор-йўғи 39 та сўровга жавоб олинган”¹.

Депутатнинг сўровига бундай муносабатнинг асосан иккита сабаби бор. Биринчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари депутатлик сўровининг аҳамиятини яхши тушунмаслиги, унинг ортида фуқаролар муаммоси ётганлигини англамаслигида. Иккинчидан, айрим ҳолларда депутатлар ўз ваколатидан самарали фойдаланмаётганлигидир. Яъни, депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб қайтармаётган раҳбар шахслар устидан халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари раисларига хабар қилинмаётганлиги. Ваҳоланки, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида: “Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар”, деб белгилаб қўйилган.

Газета саҳифаларида партия сафидаги аъзолар таркиби, сони ҳақида маълумотлар бериб борилади. Бу эса, партия ўз сафдошлари мониторингини ўтказишидан далолат беради. “Жорий йил бошидан бери 28 нафар фуқаро сафимизга қўшилди ва аъзоларимиз сони 1637 нафарга етди. Туманда партиямизнинг 36 та бошланғич ташкилоти бор. Биз уларнинг фаолиятини кучайтириш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқувларни қуйи бўғинларда юқори савияда ташкил этишга, етакчиларнинг

¹ Жонузоков И. Депутат сўрови...Мутасаддилар унга қандай муносабатда бўлишяпти? // Ўзбекистон овози, 2012. 5 май.

сиёсий-ҳуқуқий билими, ташкилотчилик маҳоратини оширишга ҳаракат қилаяпмиз”¹.

Партия ҳаётига оид энг муҳим жихатлардан бири, бу унинг бошқа муқобил партиялар билан баҳсга киришиши. Бу баҳслар “Ўзбекистон овози” газетасининг веб-саҳифасида кўплаб учрайди. Шулардан бирига эътиборни қаратсак.

“Адолат” СДП партиялараро мунозара юритишга қийналаяпти шекилли, ғоявий масалалар, сайловолди дастурининг жойлардаги ижроси бўйича долзарб вазифалар кўплигига қарамай, ўз наشريда бир эмас, икки марта ЎзХДП газетаси “Ўзбекистон овози”нинг номини баҳс мавзусига айлантирди. “Адолат”чилар фикрича, ЎзХДП Ўзбекистондаги ягона партия эмас. Шундай экан, нега унинг наشري “Ўзбекистон овози”, деб аталиши керак?”².

Мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда партиялараро баҳс-мунозара изчил тус олиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай курашлар сиёсий кучларни фаоллаштиради, партиялар ғоялари, сайловолди дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилади, шу орқали электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга эришилади. Дарҳақиқат, мутахассислар таъкидлаганидек, бозор иқтисодиёти каби демократияни, сиёсий партиялар фаолиятини ҳам рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бироқ партия газеталарида чоп этилаётган мақолаларда юзаки баҳс юритишга мойиллик, чуқур мантиқли фикрлар ўрнига, сўзамолликка берилиш, ҳатто мазмунан бир-бирига зид даъволар тез-тез учрамоқда. Бизнингча, бундай ҳаракатлар профессионал ва амалий баҳс мезонларига мос келмайди, фақат вақтни бой бериш ва партиялараро рақобат мавжуд деган даъвога хўжакўрсин намуна бўлади, холос.

¹ Дониёров Б. ЎзХДП сафида бўлишни истайман. // Ўзбекистон овози, 2012. 5 май.

² Таҳририят. Баҳс учун мавзу кўп. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

“Адолат” СДП нашрининг 11 май сонида “Партиялараро мунозара” рукни остида эълон қилинган “ХДП Ўзбекистондаги ягона партия емас-ку!” сарлавҳали мақола ҳам бунга мисол бўла олади. “Газетамиз номи уларни нега безовта қилиб қўйганига аввалига тушунмадик. Эҳтимол, “Ўзбекистон овози”нинг салмоғи, салоҳияти “адолат”чиларга ҳалақит бераётгандай туюлаётгандир. Ёки улар дунёдаги партиялар нашрларида бу каби номлар борлигидан беҳабар ҳолда бу масалани кўтаришгандир? Нима бўлганда ҳам, бу ҳақда партиялараро баҳс юритиш ноўринлиги учун “Адолат”да эълон қилинган дастлабки мақолага муносабат билдирмаган эдик. Буни қарангки, орадан уч ойча ўтиб, “адолат”чилар бу мавзуга яна қайтишди”¹.

Таҳририят бу масалага шундай изох билдиради:

“Қатор мамлакатлардаги партия газеталари ёки нодавлат ташкилотлари нашрлари номида давлат ёки муайян шаҳар номини учратиш мумкин. Масалан, Германия миллий демократик партияси нашри «Деутсче Стимме» («Германия овози»), сўллар партияси билан боғлиқ нашр эса «Неуес Деутсчланд» («Янги Германия») деб номланади. Хиндистон халқ партияси нашри эса «Хиндустантаймс» деб номланади. Сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар матбуотида бундай мисоллар оз эмас. Агар масалага “адолат”чилар ёндашувидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, мамлакатимиз нашрлари номлари ҳақида ҳам ҳар хил беҳуда гаплар билан тортишиш мумкин. Масалан, нима, “XXI аср” фақат ЎзЛиДеПга дахлдорми? “Адолат” номи-чи? “Адолат” сўзи кенг қамровли умуммиллий, умумбашарий тушунчадир. Мамлакатимизда фақат бу партия курашмайди-ку, адолат учун...

Бизнингча, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳсда бу каби масалалар билан чалкашиб, тортишув олиб бориш ноўрин ва бефойда. Ҳар бир газетанинг номи тарихий шароит, мақсад-муддаодан келиб чиқиб қўйилган. Биз газетамиз номи билан фахрланамиз ва бунинг масъулиятини яхши англаймиз. Шу мўътабар

¹ Таҳририят. Баҳс учун мавзу кўп. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

номга муносиб бўлишга интиламиз. Бу масала бўйича мунозара юритишни ноўрин деб ҳисоблаймиз ва мазкур мавзуга бошқа қайтмаймиз”¹.

“Ўзбекистон овози” таҳририятининг салмоқли, ўринли жавобидан кейин “адолат”чилар бу масалага бошқа қайтмадилар. Шундай бўлсада, бу икки партия ўртасида баҳслар давом этди.

“Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир сиёсий партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини ошириш бўйича ўз позициясига эга. Хусусан, ЎзХДП мамлакат барқарор ривожланишида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш муҳим, деб ҳисоблайди. Бироқ айрим сиёсий партиялар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчасини нотўғри талқин қилишга уринмоқда.

“Адолат” ҳам социал-демократиянинг асосий ғояларидан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори эканини кўп уқтиради. Хусусан, партия ўқув юртлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш, уларнинг иш ҳақи, умуман, меҳнат шароитини яхшилаш, таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилишни ўз вазифаси сифатида белгилаган. Аммо “Адолат” нашри бозор иқтисодиёти шароитида ишсизлик бўлиши табиий, дея ижтимоий адолат, инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига тўғри келмайдиган фикрни илгари сурмоқда. Ишсизлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига, одамлар кайфиятига салбий таъсир этишини ҳисобга олмаяпти. Иқтисодиётни изчил ривожлантириб бориш чора-тадбирларининг белгиланмагани, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганда ишсизлик ортади”¹.

¹ Таҳририят. Баҳс учун мавзу кўп. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

¹ Шерова Л. “Адолат” СДП ижтимоий адолат тамойилига қаршими? // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

Бу масалага жавоб “Адолат” газетасида кузатилади. Бироқ бу баҳсларда асосий масала четда қолиб, ўзаро гина-қудуратлар асосидаги айбловлар тусини ола бошлаганлиги таажжубли ҳол.

“Ижтимоий ҳимоя бўйича кўпроқ ҳаётий таклифлар билан чиқиш ўрнига ЎзХДП томонидан ўз электорати манфаати йўлида амалга оширилаётган ишларга ноҳолис муносабат билдирмоқда. Партиямиз ўз электорати бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказган иқтисодий форумларини, янги иш ўринлари яратишга қаратилган ташаббусларини нотўғри талқин қилмоқда. Гўёки ЎзХДП ўзининг ғоявий қарашларидан чекинаётган эмиш. Масалага шундай ёндашадиган бўлсак, табиий савол туғилади: Нима, “Адолат” СДП ижтимоий адолат тамойилига қаршими?”

Энди ЎзХДПнинг бошқа ЎзЛиДеП партияси билан олиб борган мунозарали масалаларига эътиборимизни қаратсак. “Либералларнинг эътиборсизлиги натижасида Сирдарё туманидаги фермер хўжаликларида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ишлари оқсамокда. ЎзЛиДеП сайловолди дастурида “Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат”, деган вазифа қўйилган. Аммо туманда либераллардан 11 нафар депутат борлигига қарамай, депутатлик гуруҳи томонидан бу борада бирорта амалий иш қилинмаган. Фермер хўжаликларида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш масаласи бўйича туман Кенгаши сессияларига таклиф киритилмаган. Демак, ЎзЛиДеПнинг сайловолди дастуридаги бу ваъда Сирдарё туманида бажарилмаяпти”¹.

Шу муаммо бошқа вилоятларда ҳам мавжуд бўлгани боис газета бу масалага яна қайтади: “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя этишни ўз зиммасига олган ЎзЛиДеП сайловолди дастурида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, унда шундай ваъдалар берилган: “ЎзЛиДеП мамлакатнинг юқори технологиялар асосида тараққий этишида тадбиркорлик

¹ Мурод Қосим. Либералларнинг эътиборсизлиги. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

секторининг ҳар бир субъекти манфаатдорлигини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этаверади”. Вилоятда эса айрим тадбиркорлар турли муаммоларга дуч келиб, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетаётгани сир эмас... ЎзЛиДеП тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган бу каби муаммоларни ҳал қилиш бўйича маҳаллий Кенгашлардаги тегишли доимий комиссия ва сессияларга қандай амалий таклифлар киритмоқда? Вилоят Кенгашида ЎзЛиДеПнинг 27 та депутати бор. Ўтган йили бўлиб ўтган сессияларда ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи 1 та масала киритган, холос. Яна бир мисол. Самарқанд шаҳар Кенгашида 19 нафар, Пайариқ туман Кенгашида 18, Оқдарё туман Кенгашида 12, Жомбой, Нуробод ва Самарқанд туман Кенгашларида 10 нафардан депутати бўлишига қарамай, ЎзЛиДеПнинг электорат манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал этишда иштироки умуман сезилмаётир...

Бироқ мазкур партия наشري бу ҳақда жиддийроқ таҳлил юритиш ўрнига, кўпроқ баландпарвоз гаплар билан чегараланиб қолмоқда. Мазкур партия наشريдаги мақолаларда ЎзЛиДеП ЎзХДПдан фарқли ўлароқ ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, жойлардаги фаоллари орқали тадбиркорлар муаммосидан хабардор бўлишга ва уларни имкон қадар ҳал қилишда иштирок этмоқда каби асоссиз фикрлар орқали обрў қозонишга уринмоқда. Аммо бу даъво ҳаётга тўғри келмаётганини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди”¹.

Бу баҳслар фактлар асосида олиб борилаётгани учун уларга ўринли жавоб бериш керак. Бироқ газетада, шунингдек, унинг веб саҳифасидан жой олган баҳсларнинг аксарияти “адолат”чиларга қаратилганлиги кузатилади. Шунингдек, “Адолат” газетаси ҳам мунозара масаласини ХДПга қаратгани маълум.

2012 йилнинг 30 мартда “Адолат” газетасида “ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва либерал. Эртага-чи?” деган мақола эълон қилинди. Унда ЎзХДП ҳар хил ғояларга эргашиб кетишда, беқарорликда айбланади.

¹ Юсупова Ш. Одамлар ишончи. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

Бунинг устига “Уларнинг электорати ким ўзи?” - деган савол ҳам ўртага ташланади. Кейинги пайтларда “адолатчи”лар бу масалага кўп урғу беришаётгани кузатилади. “ХДП “Карвон”и қаёққа йўл олди?” (2011 йил 8 июль), “ХДПнинг “тушунарсиз мафкура”си (2011 йил 4 февраль) каби мақолаларда бир қарашда қизиқарли баҳс юритилаётганга ўхшайди.

“Адолатчи”лар даъвосича, партиямиз платформаси ханузгача мавҳум ва тушунарсиз эмиш. ЎзХДП мустақил Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи сиёсий партия сифатида нисбатан кўпроқ тажрибага эга ва у ўз электорати, ғоявий мақсадини аллақачон аниқлаб олган. Шу боис “адолатчи”лар билан бу ҳақда баҳслашишни ўринсиз, деб ўйлаймиз. Бироқ партиялараро баҳс юритишда “Адолат” СДП етакчи ва фаоллари танлаган йўлга нисбатан баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Назаримизда, улар танқид учун мавзу топишга қийналишаётганга ўхшайди”².

Бундан тўққиз ой аввал эълон қилинган “ХДП “Карвон”и қаёққа йўл олди?” номли мақолада “Бугун телевидение дастурларида асосан ХДП ўтказаетган назарий тадбирлар кўзга ташланаяпти, холос. Амалий ишлардан дарак йўқ. Демак, улар нима биландир шуғулланишаяпти... Аммо уларнинг маҳаллий ижроия ҳокимиятлари устидан жамоатчилик назоратини самарали олиб бораётгани хусусида лом-лим дейилмаяпти. Бу сўзларга қўшимча қилишга ёки уларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак”, дейилади. Айни шу жумла кейинги мақолада ҳам бирор жойига қалам тегизилмасдан келтирилади. Уларга жавобан “Ўзбекистон овози” шундай фикр билдиради.

“Хўш, “Адолат” СДП ўз электорати манфаатига хизмат қиладиган қандай амалий таклиф, ташаббус ёки лойиҳаларни илгари сурмоқда? Партия аъзолари бу саволга “биз муқобил энергияни ривожлантиришга қаратилган ғояларни таклиф қиляпмиз”, деб жавоб беришни одат қилиб олишган. Аммо ҳар қандай ғоя, агар у амалда татбиқ этилмаса, унинг ҳеч қандай қиммати қолмайди. “Зарур, керак, муҳим, эътибор қаратамиз”, деган баландпарвоз гаплар билан эса

² Нарзуллаев Д. ЎзХДП амалий ишлар билан шуғулланмоқда “адолатчи”лар эса ғояларни илгари суриш билан банд. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

иш битмайди. Бироқ “адолатчи”лар бу оддий ҳақиқатни тан олгиси келмаётганга ўхшайди”¹.

Ўтган йил чоп этилган “ХДП “Карвон”и қаёққа йўл олди?” сарлавҳали мақолада шундай дейилган: “Газета саҳифаларида кичик ва хусусий бизнеснинг ҳимоясига бағишланган мақолалар шу даражада кўпайиб кетдики, ХДП кимнинг манфаати ҳимоячиси, тадбиркорларнингми ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнингми, деган табиий савол туғилаяпти”. Бу гаплар ҳам яқинда эълон қилинган “ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва либерал. Эртага-чи?” мақоласида яна айнан келтирилади. Холис танқидий фикр бу зайлда ифода қилинмайди. Ҳеч бўлмаганда ХДПнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти таҳлил қилиниб, камчиликлар ҳақида аниқ фикр юритилганда танқид асосли бўларди. Бироқ “адолатчи”лар бошқа йўлни - шов-шувлироқ, аслида замири пуч усулни танлашаётгани кузатилади.

“Адолатчи”лар “ХДП кимнинг манфаати ҳимоячиси, тадбиркорларнингми ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнингми?” - дейиши ўта мантиқсиз савол эмасми? – деб эътироз билдиради газета, - ЎзХДП ўтказган иқтисодий форумлар айнан электорат вакиллари кўллаб-қувватлашга хизмат қилди-ку. Ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган, аммо бунга маблағи йўқ ёки қонуний йўл-йўриқларни билмаган кўплаб ёшлар ЎзХДП ёрдамидан манфаат кўрди-ку! Ёки биз ҳам “адолатчи”лар сингари фақат ғояларни илгари суриш билан шуғулланиб амалий ишлар қилмаслигимиз керакмиди?”¹.

Шу ўринда, яна бир кузатишни эътироф этиш керак. “Адолат” газетасида чоп этилган “Адолат” янгиликка интилаётган партия, аммо ХДП буни тан олгиси йўқ” деган мақолада шундай фикр илгари сурилган: “Замонавий сиёсатчилар фикрича, ХДПга ўхшаш сўл партиялар оммавий тадбирлар ўтказишга мойилроғ-у, айти пайтда сиёсий рақибларининг амалий ишларини,

¹ Нарзуллаев Д. ЎзХДП амалий ишлар билан шуғулланмоқда “адолатчи”лар эса ғояларни илгари суриш билан банд. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

¹ Нарзуллаев Д. ЎзХДП амалий ишлар билан шуғулланмоқда “адолатчи”лар эса ғояларни илгари суриш билан банд. // <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

сиёсий майдон кенгликларидаги фаолиятларини кўриб-кўрмаганликка олишаркан”². Кейинги мақолада ҳам “адолатчи”лар шунга ўхшаш яна бир гапни айтишади: “Замонавий сиёсатшунослар таъкидлаганларидек, сўл партиялар оммавий тадбирлар ўтказишга мойилроқ бўлар экан-у, илгари сураётган таклиф ва ташаббусларни амалга татбиқ этишга келганда сусткашликка йўл қўяр экан”. “Адолатчи”лар айтган бу “замонавий сиёсатшунослар” кимлиги, бу фикрларни қайси асарда ёзиб қолдиргани ҳақида маълумот берилмайди. Бу каби пуч эътирозлар, асоссиз даъволарни партиялараро рақобат маҳсули деб бўлмайди.

Матбуотда партиялараро кураш мавзуси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади, ўз навбатида, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилади. Бунинг учун соғлом ва амалий, холис баҳс-мунозара зарур. Биз кузатган ҳолатлар эса, сиёсий партияга ҳам, электоратга ҳам наф бермайди. Бу масала ҳам партия матбуот хизматининг назоратга олиши керак бўлган вазифаларидан биридир.

² Субҳонов Ш. Адолат” янгиликка интилаётган партия, аммо ХДП буни тан олгиси йўқ. // Адолат, 2012. 12 февраль.

2.2. ЎзХДП матбуот хизмати тadbирлари ва материалларини газета ва веб саҳифада ёритилиши

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли ташкилотларнинг матбуот (ахборот) хизматлари асосан ахборот манбаларини яратиш, яъни, тегишли ташкилоти фаолиятига оид муҳим маълумотлар, янгиликларни ёритиб бориш билан ҳам шуғулланмоқда. Улар бу вазифани амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишмоқда. Яъни, интернетдаги веб-сайтлари орқали кундалик ахборотларини ёритиб бориш ўз-ўзидан ахборот манбаини вужудга келтиришга хизмат қилади. Эндиликда қайсики ОАВ ходими бирор ташкилотдан ахборот олишни истаса аввало унинг тегишли веб-сайтини кузатиши мумкин. Айтиш мумкинки, бугунги кунда қатор давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг интернетдаги веб-сайтини кузатсангиз исталганча маълумотлар, зарур ахборотларни топишингиз мумкин. Бу эса юртимизда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқалари тобора ривожланиб боришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Бироқ, ахборот манбаларини яратиш, пировардида, ахборот тарқатиш борасидаги бу илғор усулдан ҳали-ҳанузгача кўплаб ташкилотларнинг матбуот хизматлари етарли даражада фойдалана олмаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Буни уларнинг хўжакўрсинга “очиқ қўйилган” веб-сайтларининг деярли бўм-бўш ёки ғарибгина саҳифаларидан ҳам кўриш мумкин. Бу ўринда гап кимгадир маломат қилиш эмас, балки, бу борадаги илғор усуллардан ўз вақтида самарали фойдаланиш, ОАВни зарур ахборотлар билан муттасил таъминлаш ҳақида бормоқда.

Бизнинг кузатишларимизга кўра, ХДП фаолиятига оид катта ҳажмдаги ахборот унинг веб-сайтидан жой олган. Манзили **www.xdp.uz**. Мазкур сайтнинг харитаси қуйидаги рукнлардан иборат:

1. “Бош саҳифа”
2. “Партия”
 - Партиянинг ташкил топиши;

- Асосий хужжатлар (Дастур, Низом, Сайловолди платформа, Қарорлар, Тавсиялар, Ҳаракат дастури),
- Асосий тавсилотлар (Курултойлар, Пленумлар),
- Марказий ташкилотлар (Ижройи кўмитаси, Ижройи кўмитаси президиуми,
- ЎзХДП Марказий Кенгаши, Марказий тафтиш комиссияси),
- Сиёсий технологиялар,
- Фаол аёллар (Етакчи, Тадбирлар),
- “Истиқбол ёшлар” (Етакчи, Тадбирлар),
- ЎзХДП фаоллари (Депутатлик гуруҳлари, Бошланғич ташкилотлар),

3. “Фракция ва депутатлар”

- Фракция аъзолари;
- ЎзХДП фракцияси фаолияти;
- Депутатлар фикри.

4. “Ҳудуд”

- Алоқалар;
- Тадбирлар; (Қорақалпақистон республикаси; Андижон вилояти; Бухоро вилояти; Жиззах вилояти; Навоий вилояти; Наманган вилояти; Самарқанд вилояти; Сирдарё вилояти; Сурхандарё вилояти; Тошкент вилояти; Тошкент шаҳар; Фарғона вилояти; Хоразм вилояти; Қашқадарё вилояти)

5. “Матбуот хизмати”

- Пресс-релиз;
- Алоқалар

6. “Обуна”

7. “Алоқалар”

- ЎзХДП Марказий Кенгаши;
- Ҳудудлар

8. “Форум”.

Мазкур рукнлардан партия таркибий тузилмаси, хужжатлари, тадбирлари, фаоллари ҳақида, “Фаол аёллар, “Истиқбол ёшлар” қанотлари фаолияти борасида, партия фракцияси ва депутатлари, уларнинг фаолияти хусусида маълумотларни топиш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сайтда партия ҳаётига оид янгиликлар мунтазам янгиланиб борилмаётганини кузатиш мумкин. Шунингдек, мазкур рукнлар ичида “Матбуот хизмати” рукни ҳам бор. Афсуски, у ҳавас қиларли даражада эмас. Партия матбуот хизматининг вазифаси фақат пресс-релиз ёзиш ва тарқатиш

эмас-ку. Ваҳоланки, мазкур бандда матбуот хизмати томонидан ёзилган узундан-узун, талаб даражасида бўлмаган матбуот хабарномалари ва матбуот хизмати манзили қайд этилган: Манзил: Тошкент ш. Мустақиллик майдони 5/3, тел: 239-11-98; 239-12-09; Факс: 239-11-98 E-mail: info@xdp.uz

“Агар веб-сайтнинг ўзи бор-у, унда зарур маълумотлар бўлмаса, у ҳолда матбуот хизмати ўзига қарши бўҳтон гаплар тарқалишига имкон бериб қўяди. Матбуот хизмати қанчалик кўп ахборот таркатса, улар ҳақида ўзгалар “гап тўқишига” ҳожат бўлмайди. Ҳаққоний ахборотлар бўҳтон ва уйдирма гапларга ўрин қолдирмайди”, деб ёзади Т.Эшбеков¹.

Шунга кўра, маълумотлар базаси ва безатилишидан мукамалдек кўринган мазкур сайтнинг ўзига хос камчиликлари бор. Сайтнинг инглиз тилидаги саҳифаси тўлиқ эмас. Ваҳоланки, бу хорижий оммавий ахборот воситалари ва журналистлари учун керакли маълумотларни олишни қийинлаштиради. Ўз навбатида партиянинг ташқи имиджига путур етказади. Бу камчиликни ахборот хизмати ходимларининг ўзлари ҳам тан олишди. Шунга қарамай сайтда “Жамоатчилик қабулхонаси” рукни остида савол бериш ва уларга жавоб олиш имконияти мавжуд экан. Бу партия сайтида қайта алоқа тизимининг мавжуд эканлигидан далолат беради.

“Республикамиздаги қатор вазирликлар, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар ахборот хизматиға, ўз нашрларига, интернет тизимида веб-сайтларига эға. Ахборот хизматининг бугунги фаолияти энг аввало ОАВ билан ҳамкорликка қаратилади. ОАВ ва матбуот хизмати ўртасида қандайдир “жарлик” бўлмаслиги лозим. Ахборот тўплаш ва тарқатишда ОАВ ва матбуот хизматининг ҳамкорлиги амалда жамият тараққиётиға хизмат қилади. Ташкилотлар ўз жамоатчилиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатишида матбуот хизмати етакчи ўрин тутади. Матбуот котибининг асосий вазифалари – матбуот, радио ва телевидение орқали ўз идоралари ҳақида жамоатчилик

¹ Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010. Б.26.

ўртасида ижобий ахборотни тарқатиб, жамоатчилик ўртасида идоранинг имижини яратишдир”¹.

Матбуот хизмати томонидан ахборот тарқатишнинг энг қулай ва самарали йўли – пресс-релизлар тайёрлаб, ОАВ вакилларига тарқатишдир. Матбуот хизмати ходимининг чинакам ижодий маҳорати у тарқатаётган пресс-релизда яққол намоён бўлади.

Пресс-релиз қисқа, лўнда, мақсади аниқ, тили равон, ортиқча “тушунтириш”лардан йироқ, фактларга бой бўлган муҳим хабар матнидир. Қоғоз тепасига катта-катта ҳарфлар билан “ПРЕСС-РЕЛИЗ” деб ёзилгач, ташкилотнинг номи, манзили, тайёрланган санаси, телефон рақами, электрон почтаси кўрсатилиши зарур.

Пресс-релиз “турли мамлакатларда турлича аталади, лекин уларнинг вазифаси битта: маълумот бериш, воқеа ҳақида олдиндан хабар бериб бориш, рақамлар ва фактлар тақдим қилишдир,— деб ёзади Маргерит Салливан.— Материалда иштирок этувчи шахс ким? Бу материал нима ҳақида? Воқеа қачон бўлади ёки бўлиб ўтди? Бу ахборот нима учун муҳим? У қандай аҳамиятга эга? Ушбу барча саволларга жавоб биринчи хатбошида берилиши даркор”².

Бир-икки бетда (А-4, икки интервал) тадбир ўтказишдан мақсад, асосий мавзу тўла акс эттирилиши тақозо этилади. Мутахассисларнинг фикрича, пресс-релизнинг атиги 5 фоизини таҳрир қилиш тақозо этилса, ўша ходим матбуот хизматида ишлашга нолойиқ деб ҳисобланар экан. “ОАВга тарқатиладиган пресс-релиз таҳрирталаб” бўлиши нафақат матбуот хизмати ходими, балки ташкилотнинг ҳам обрўсига путур етказади”³. ХДП матбуот хизматининг сайтда жойлаштирилган бирорта матбуот хабарномаси мазкур талабларга жавоб бермайди.

ХДП матбуот хизмати фаолияти, улар ўтказаетган брифинг ва конференциялар ҳақида бир-икки оғиз ёзиш керак эди. Лекин сайтда бу ҳақда

¹ Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010. Б.41.

² Салливан М. Масъул матбуот хизмати. –Т.: 2002. Regional Program Office. Vienna. RPO. Б.42.

³ Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010. Б.57.

умуман маълумот йўқ. Ваҳоланки, матбуот хизмати вақти-вақти билан матбуот конференцияси, брифинглар уюштириб туриши зарур. Баъзи ташкилотлар матбуот анжуманини “зарурат пайдо бўлганида” ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар. “Зарурат йўқ” деб, ойлаб матбуот конференцияси ўтказмаслик ҳам жамоатчилик билан алоқалар мантиғига зид. Чунки, ташкилот ва унинг жамоатчилиги тенг ҳуқуқли ва ўзаро боғлиқлигини ёддан чиқармаслик даркор.

Матбуот конференцияларидан кутилган натижалар, яъни, анжуманда тарқатилган ахборотлар, савол-жавоблар ва уларнинг ОАВда ёритилиши ҳақида Маргерит Салливан “Масъул матбуот хизмати” китобида шундай ёзади: “ОАВ жамоатчиликини ҳукумат фаолиятдан хабардор қилади ҳамда мунозарага ундайди. Улар мансабдорларни энг юксак андозаларга мувофиқ бўлишга мажбур этишади ва ҳукумат жамият ишончини қозонганича турибдими ёки йўқ эканлиги ҳақида хабар беришади”¹.

Назариётчи В.Корольконинг шундай сўзлари бор: “PRни хўжакўрсинга ташкил қилмаслик керак. Ҳар қандай йўл билан ўзларига яхши шароит яратиш учун халқни алдаш ва омма ишончини суистеъмол қилиш нохуш оқибатларга олиб келади. Жамиятни қандайдир маълум бир муддат давомида алдаш мумкин. Бирон-бир қисминигина узоқроқ алдаб юриш мумкин. Бутун жамиятни ҳар доим алдаб юриш эса ҳали ҳеч кимга насиб қилмаган”².

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси фаолияти таҳсинга лойиқ, у олиб бораётган тадбирлар, сўровномалар, тадқиқотлар партия вазифалари қаторида амалга оширилади. Бироқ бу фаолиятда биз алоҳида партия матбуот хизматининг хиссасини кўрмадик. Ваҳоланки, партия ахборот сиёсатини айнан матбуот хизмати бошқариши керак.

Сир эмаски, ҳар қандай ташкилот ўз жамоатчилиги билан кучли, шу жумладан, сиёсий партиялар ҳам. Улар бу кучга ахборот бериш ва ахборот олиш, икки томонлама фикр алмашиш орқали эришади. Шу ўринда "Президент

¹ Салливан М. Масъул матбуот хизмати.—Т.: 2002. Regional Program Office. Vienna. RPO. Б48.

² Королько В.Г. Основы публичных отношений. — Киев. Ваклер, 2000. С.11-12.

ҳам, вазирлар ҳам, оддий фуқаро ҳам, ҳокимлар ҳам очик баҳсдан, очик мулоқотдан ўзини тортмаслиги шарт. Бизни сайлаган одамлар ҳокимият фаолиятдан хабардор бўлиши ва унга баҳо беришида матбуот воситачи ролини бажариши лозим.¹

Жамоатчилик билан алоқалар аввало одамни ишонтира олиш санъати билан амалга оширилади. Матбуот хизматидан ташкилотлар ҳақида тўғри ва ҳаққоний, аниқ фактларга йўғрилган ахборот тарқатиш талаб этилади. Қайсики ташкилот номидан матбуот хизмати нотўғри сохта маълумот берса, одамлар унга ишонмай қўяди. Жамоатчилик билан алоқаларда энг муҳим вазифа ҳақиқатни гапириш. Бу мақсадга олинган нишонга беҳато ўқ уриш билан баробардир. Одамлар хоҳлаган мавзуда савол бериши мумкин. Жамоатчилик билан алоқадаги киши ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб тўғри жавоб қайтариши, кутилмаган ахборотни етказиши шарт. Жамоатчилик билан алоқаларда кўпроқ психологик муносабат ўрнатилади, электорат билан ҳам шундай муносабатга киришилади. Бу муносабатлар тадрижи қуйидагича кечади: “Ўзаро алоқадан эътиборга, эътибордан тушунчага, тушунчадан тан олишга, тан олишдан ишончга, ишончдан ҳурматга, ўзаро ҳурматдан ҳамкорликка, ўзаро ҳамкорликдан ҳамоҳангликка”².

Аудитория матбуотга жамият кўзгуси, адолат тарозиси сифатида қарайди. Ҳатто ҳақиқатга яқин келмайдиган воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳам “телевизорда ўз қулоғим билан эшитдим, радиода айтишди, газетада ўқидим” деб ишонишади. Журналистларни айрим пайтлари ҳукумат ва халқ ўртасидаги боғлаб турувчи халқа деб ҳам таърифлашади. Худди мана шу ишонч матбуот хизмати ходимининг зиммасига катта масъулият юклайди.

“Ахборот хизмати ўз вазифасини биринчи навбатда идора манфаатларидан келиб чиқиб эмас, кенг жамоатчилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда адо этмоғи зарур. Чунки матбуот хизмати маъмурий маънода ўз таъсисчиларига бўйсунса, ижодий маънода эркиндир. Матбуот хизмати

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.352.

² Муминов Ф. Паблик рилейшнз: история и теория. – Т.: Ижод дунёси, 2004. Б.77.

фаолияти самарали бўлиши учун ҳар бир ходимни биттадан ОАВга бириктириши мақсадга мувофиқдир. Яъни, бири матбуотга, иккинчиси радио ва телевидениега, учинчиси интернет ва ахборот агентликларига ва ҳоказо. Улар ана шу ОАВда ташкилотга оид ёритилаётган материалларни ҳам изчил ўрганиб бориши зарур. Ташкилотга тааллуқли танкидий фикрлар, таклифлар ёритилса, бу ҳақда албатта ташкилот раҳбарига маълумот бериш шарт. Токи, раҳбар ОАВда ўз ташкилоти ҳақида ёритилган гаплардан беҳабар юрмаслиги лозим. Таъбир жоиз бўлса, унга нисбатан вақтида муносабатини билдириши тақозо этилади”¹.

“Душманлик руҳи билан суғорилган битта газета мингта найзадан хавфлироқ. Тўртта ана шундай газета юз минг аскарга эга бўлган қўшиндан кўра кўпроқ зафар келтириши мумкин”². Партия матбуот хизмати вазифаси оммавий ахборот воситалари билан мунтазам ҳамкорлик қилиши, улар сўровларига жавоб бериши лозим.

Матбуот хизматини ривожлантирмасдан бугунги ахборот жамиятида ҳеч қандай сиёсий тузилма ва партиялар фаолияти равнақ топиши мушкул. Матбуот хизматига ижобий муносабатда бўлмаслик ва унга керакли ёрдамни кўрсатмаслик ўша ташкилотнинг эртанги фаолиятини таъминлай олмаслик билан тенг.

“Хуррият” газетасининг 2004 йил 25 февраль сонида ёритилган Динора Дўлтаеванинг “Матбуот котиби: мансабми ё масъулият” сарлавҳали мақоласида шундай фикрлар баён этилган: “Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, Америка матбуотида чоп этиладиган материалларнинг 80 фоизи (!) пиар маҳсулоти – яъни, матбуот хизматлари тарқатган ахборотдан иборат экан. Энг катта жанжаллар чиққан пайтда ҳам биринчи бўлиб тегишли идора раҳбари ёки матбуот котиби журналистлар олдига чиқиб, расмий баёнот беради. Бизда эса...” .

¹ Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010. Б.57.

² Ольшанский Д. Политический PR. СПб.: –М.: Питер, 2003. С. 479.

Соҳа тадқиқотчиларининг фикрига кўра, ривожланган мамлакатларда иш олиб бораётган PR хизматларининг 65%и ОАВга бевосита боғлиқ. Яъни, улар фаолияти турли мақолалар чоп этиш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида турли тадбирлар, маросимлар ва акциялар ўтказишдан иборат. Қолган 35%и эса сиёсат, бизнес ва бошқа йўналишларда турли дастурларни ишлаб чиқиш билан машғул бўлиб, вақти-вақти билан ОАВ ҳамкорлигига муҳтож бўлар эканлар¹. Тадқиқотимиз объекти бўлган Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот хизмати бу талабларга жавоб беришига ҳали эрта. Бироқ умид қиламизки, жамиятда ўз ўрнига эга бўлаётган, электорат манфаати йўлида фидойилик ва ташаббус кўрсатаётган партия ўз фаолиятини янада самарали олиб бориши учун матбуот хизмати ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

¹ Моисеев В.А. Паблик рилейшнз: теория и практика. –К.: ВИРА. 1999. С.185.

ХУЛОСА

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилики билан ишларга, уларнинг фикрига, ҳолатига етарли даражада боғлиқ, - дейди Президент И.А.Каримов, - Зеро, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ОАВ ишига етарлича эътибор бериш зарурлиги шундан келиб чиқади¹. ОАВ учун ахборот манбаи зарур. Жамоатчилик билан алоқалар жараёнида, аввало, ахборот манбалари вужудга келади. Сиёсий партияда халқ сайлаган вакиллар - депутатлар фаолият кўрсатар экан, унда халқнинг хоҳиш-иродаси ўз аксини топади. Сайловчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза, таклифлар ўз вақтида ОАВда ёритилади. Бу партиянинг жамоатчилиги билан алоқаларини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга замин яратади.

Жамоатчилик билан алоқалар илғор давлатлар тараққиётига самарали таъсир кўрсатганми, демак, улардан ўрнатилиш фойдадан холи бўлмайди. Алалхусус, юртимиз мустақилликка эришганидан буён жамоатчилик билан алоқалар масаласи амалиётда ўзига хос воқеликка айланаётгани айтилиши ҳақиқат. Бу борадаги илмий тадқиқотлар қўлама ҳам кенгайиб бораётир. PR ўзига хос тафаккур майдони эканини ҳар жабҳада исботламоқда. Демак, жамоатчилик билан алоқалар тизими ижтимоий воқеликка айланмоқда.

Ижобий жиҳатга юз тутишда PR ижтимоий институт сифатида тўла шаклланиши, бунинг учун эса уни йўлга қўювчиларга эркинлик бериш, қолаверса, уларнинг ўзлари жамоатчилик билан алоқа ўрнатишнинг янги технологияларидан фойдаланган ҳолда ва яна жаҳон PRменларининг тажрибасидан келиб чиқиб фаолият юритишларини замон талаб қилмоқда. Албатта, тажриба деганда тўлиқ ҳолича “кўчириб қўйиш”, яъни ривожланган мамлакатлардаги PR фаолиятини бизда қўллаш тушунилмайди. Балки, биз жамоатчилик билан ишлар эканмиз, ўзимизнинг менталитетимиздан, миллийлигимиздан келиб чиқиб чоралар кўришимиз керак бўлади. Шундай экан, Республикамизда ушбу фаолиятни тўлиқ йўлга қўйиш учун етарли мутахассисларни тайёрлаш, керакли илмий ходимларни етиштириб чиқарувчи

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. Б.154.

олий таълим муассасаларининг ишини яхши йўлга қўйиш керак. Керак бўлса, бўлажак мутахассисларни хориждаги етук ташкилотларга маълум муддатга тажриба алмаштиришга юбориш даркор. Республикамизда шу ва яна бошқа талаблар қондирилгандагина паблик рилейшнз соҳа сифатида, қолаверса жамоатчилик билан ишлаш институти сифатида шакллана олади ва ривожланади. Ишимиз давомида қуйидаги хулосаларга келдик:

- ◆ Сиёсий партиялар бугунга келиб, дунёнинг ривожланган давлатларида халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга айландилар. Сиёсий партия жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у муайян гуруҳ ёки қатламнинг мақсад ва манфаатларини ифода этувчи, уни умумдавлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият кўрсатадиган, ривожланишнинг сиёсий йўналишларини аниқлаб берадиган сиёсий ташкилотдир;
- ◆ Ўзбекистан шароитида эса юқоридагилардан ташқари сиёсий партиялар янги бир демократик тузум қуришда жамият олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уларни ҳал этишнинг йўллари кўрсатишда, давлат ва жамият қурилишида амалий таклифлар билан чиқишда ташаббускор бўлишлари зарур. Бу вазифалар албатта партия тизимида фаолият кўрсатаётган матбуот хизматларининг бевосита амалий тадбирларида амалга оширилади;
- ◆ Ҳозирги шароитда қуйи палатани реал ҳокимият кучига эга бўлган сиёсий партия вакиллари билан мустаҳкамлаш ва энг муҳими, ҳар бир сиёсий партиянинг ижтимоий обрўйини оширишга имкон яратиш, соғлом, яратувчи сиёсий оппозицияга кенг йўл бериш орқали сиёсий ҳаётда демократия принципини мустаҳкамлаш зарур;
- ◆ Айни шу оппозиция масаласини ҳал этишда ҳам PR хизматлари фаолиятини жонлантириш айни муддао. PR хизматлари рақобатни

кучайтиради, партия идентификациясини аниқлаштиради, жамоатчиликни фаолроқ бўлишга ундайди. Афсуски, Ўзбекистонда бу борада ҳали етарлича амалий фаолият олиб борилаётгани йўқ. Шундай бўлсада, дастлабки ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда;

- ◆ 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция”да мамлакатимиз Конституциявий тизимида иккита янги институтни жорий қилиш таклифи киритилди. Буларнинг бири келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқининг сиёсий партиялар ваколатига берилиши бўлса, иккинчиси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини киритиш тартибини белгиловчи институтдир. Бу сиёсий партияларга юксак ишонч ва катта масъулият юклайди;
- ◆ Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланган тизими зарурати жамоатчилик онгида ҳали етарли даражада шаклланмаганлиги боис, сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликларни тузатиш уларнинг халқдан ажралиб қолмасликларига, унинг қалбига йўл топа олишларига ёрдам беради. Бу эса жамоатчилик билан алоқалар тизими орқали рўёбга чиқади;
- ◆ Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлагани унинг мамлакат сиёсий кучлари сўл қаноти бўлишлигини белгилайди;
- ◆ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати Марказий Кенгаш аппаратининг партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, дастурий режаларини амалга ошириш учун нималар қилмоқчи эканлиги ҳақида жамиятни тезкор хабардор этишга, жамоатчилик ва оммавий

ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатиш учун масъул бўлган бўлинмасидир;

- ◆ Матбуот хизмати ходимлари партиянинг барча минтақавий кенгашларидан жойларда ўтказилган тадбирлар тўғрисида доимий маълумот оладилар ва улар асосида партия марказий нашрлари учун ахборот тайёрлайдилар, мазкур тадбирларда партия марказий нашрлари мухбирлари ва бошқа ОАВ вакиллари иштирокини таъминлайди. Шунингдек, ОАВ учун пресс-релиз тайёрлайди ва уларнинг қайси ОАВда ёритилганлигини мониторинг қилади;
- ◆ 1 июлдан 31 августгача бўлган муддатда партия ҳудудий Кенгашлари ва Сиёсий Кенгаш Ижроий Қўмитаси томонида йирик масштабдаги 18 та тадбир Республика телеканалларида ёритилди. Шундан 10 та тадбир “Ахборот” дастурида, 5 та тадбир “Давр” дастурида 4 та тадбир “Ҳудуд” информацион дастурларида ёритилди. Шунингдек мазкур тадбирлар партия веб сайтида ҳамда республика радиоканаллари ва маҳаллий ОАВ тармоқларида ҳам кенг ёритилди;
- ◆ Матбуот котиби матбуот конференцияларида, брифингларда ҳамда ОАВ вакиллари билан суҳбатларда ташкилот раҳбари номидан гапириши, турли саволларга жавоблар бериши, ахборот тарқатиши, раддия бериши мумкин. У буларни ташкилот раҳбари билан бевосита келишган ҳолда амалга оширади;
- ◆ Бу масалаларда ХДП матбуот хизмати фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмайди. Партия тадбирлари ОАВда кенг ёритилган ҳолда, матбуот хизмати томонидан ўтказилган тадбирлар жуда кам кузатилади. Шунингдек, матбуот хизмати тарқатган материаллар ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди;
- ◆ Мамлакатимиздаги энг нуфузли ижтимоий-сиёсий газеталардан бири “Ўзбекистон овози”дир. У Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг марказий нашри ҳисобланади. Газета 1918 йил 21

июндан чиқа бошлаган. Шиори – “Шу азиз Ватан - барчамизники!”. Унинг “ЎзХДП ҳаёти”, “Фракция фаолияти”, “Парламент”, “Сиёсат”, “Қарор ва фармонлар”, “Танқид ва таҳлил”, “Иқтисодиёт”, “Маданият ва спорт”, “Ҳуқуқ”, “Ижтимоий ҳаёт” каби рукнлари бор;

- ◆ Газета партия наشري сифатида ҳаётнинг барча жабҳалари, ижтимоий масалалар, ёшлар тарбияси, бандлик масаласи, фаол аёллар ва тадбиркорлик борасида қатор мақолалар чоп этади. Унинг саҳифасида партия ҳаёти, фаолияти, тадбирлари кенг ёритилади. Шунингдек, бошқа муқобил партиялар билан олиб бораётган баҳс-мунозаралар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг саҳифаларида партия фаолиятида аъзолар томонидан йўлга қўйилаётган камчиликлар ҳам, партия фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳам батафсил таҳлил этилади;
- ◆ Партия газеталарида чоп этилаётган мақолаларда юзаки баҳс юритишга мойиллик, чуқур мантиқли фикрлар ўрнига, сўзамолликка берилиш, ҳатто мазмунан бир-бирига зид даъволар тез-тез учрамоқда. Бизнингча, бундай ҳаракатлар профессионал ва амалий баҳс мезонларига мос келмайди, фақат вақтни бой бериш ва партиялараро рақобат мавжуд деган даъвога хўжакўрсин намуна бўлади, холос;
- ◆ Матбуотда партиялараро кураш мавзуси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади, ўз навбатида, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилади. Бунинг учун соғлом ва амалий, холис баҳс-мунозара зарур. Биз кузатган ҳолатлар эса, сиёсий партияга ҳам, электоратга ҳам наф бермайди. Бу масала ҳам партия матбуот хизматининг назоратга олиши керак бўлган вазифаларидан биридир;
- ◆ ХДП фаолиятига оид катта ҳажмдаги ахборот унинг веб-сайтидан жой олган. Манзили **www.xdp.uz**. Сайтда партия ҳаётига оид

хабарлар мунтазам янгиланиб борилмаётганини кузатиш мумкин. Шунингдек, мазкур рукнлар ичида “Матбуот хизмати” рукни ҳам бор. Афсуски, у ҳавас қиларли даражада эмас;

- ◆ Маълумотлар базаси ва безатилишидан мукамалдек кўринган мазкур сайтнинг ўзига хос камчиликлари бор. Сайтнинг инглиз тилидаги саҳифаси тўлиқ эмас. Ваҳоланки, бу хорижий оммавий ахборот воситалари ва журналистлари учун керакли маълумотларни олишни қийинлаштиради. Ўз навбатида партиянинг ташқи имиджига путур етказди;
- ◆ Сайтда “Жамоатчилик қабулхонаси” рукни остида савол бериш ва уларга жавоб олиш имконияти мавжуд экан. Бу партия сайтида қайта алоқа тизимининг мавжуд эканлигидан далолат беради;
- ◆ Ўзбекистон Халқ Демократик партияси фаолияти таҳсинга лойиқ, у олиб бораётган тадбирлар, сўровномалар, тадқиқотлар партия вазифалари қаторида амалга оширилади. Бироқ бу фаолиятда биз алоҳида партия матбуот хизматининг хиссасини кўрмадик. Ваҳоланки, партия ахборот сиёсатини айнан матбуот хизмати бошқариши керак;
- ◆ Матбуот хизматини ривожлантирмасдан бугунги ахборот жамиятида ҳеч қандай сиёсий тузилма ва партиялар фаолияти равнақ топиши мушкул. Матбуот хизматига ижобий муносабатда бўлмаслик ва унга керакли ёрдамни кўрсатмаслик ўша ташкилотнинг эртанги фаолиятини таъминлай олмаслик билан тенг.
- ◆ Тадқиқотимиз объекти бўлган Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот хизмати юқоридаги талабларга жавоб беришига ҳали эрта. Бироқ умид қиламизки, жамиятда ўз ўрнига эга бўлаётган, электорат манфаати йўлида фидойилик ва ташаббус кўрсатаётган партия ўз фаолиятини янада

самарали олиб бориши учун матбуот хизмати ишини
такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
 2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
 3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
 4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
 5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш - устувор мақсадимиз. // Халқ сўзи, 2010. 29 январь.
 6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010. 29 январь.
 7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Халқ сўзи, 2010. 13 ноябрь.
 8. «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2006 й. 22 сентябр // [www. gov. Uz](http://www.gov.uz)
 9. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кенгайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун // [www. lex.uz](http://www.lex.uz)
 10. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни // [www. lex.uz](http://www.lex.uz)
- * * *
11. Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. - Ростов-на-Дону, 1998.

12. Блэк С. Паблик рилейшнз: Что это такое? – М., 1990.
13. Брум Г. Паблик рилейшнз: теория и практика. - М., 2000.
14. Грушин Б.А. Массовое сознание: опыт определения и проблемы исследования. - М., 1997.
15. Доти Д. Паблисити и паблик рилейшнз. - М.: Гном-пресс, 1998.
16. Иванян Э.А. От Джорджа Вашингтона до Джорджа Буша: Белый дом и пресса. - М., 1991.
17. Камлип С.М., Сентер А.Х. Паблик рилейшнз. Теория и практика. – М.: Издательский дом "Вильямс", 2001.
18. Королько В.Г. Основы паблик рилейшнз. - М.: Рефл-бук, 2001.
19. Лассуэл Г. Структура и функции коммуникации в обществе. - М., 2000.
20. Лукашев А.В., Пониделко А.В. “Черный PR” как способ овладения властью или бомба для имиджмейкера. – СП.: Бизнес-пресса, 2001.
21. Луғат-маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. 1700 атама. Муаллифлар Ф.Нестеренко ва бошқ. - Т.: Зар қалам, 2003.
22. Мамадалиев Ш. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истиқболлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.
23. Матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлланма. –Т.: Адолат. 2006.
24. Моисеев В.А. Паблик рилейшнз: теория и практика. – К.: ВИРА, 1999.
25. Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания. - М., 1996.
26. Овчинникова М.А. Связи с общественностью как технология президентской власти в США. - М., 2002.
27. Олышанский Д. Политический PR. - СПб.: Питер, 2003.
28. Почепцов Г.Г. Имиджелогия.- М.: Рефл-Бук, 2008.
29. Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. -М.: Рефл-бук. 1999.
30. Пашенцев Е. Паблик рилейшнз: от бизнеса до политики. - М. Рефл-Бук. 2001.

31. Политология. Словарь-справочник. – М.: Гардарики, 2001.
32. Политическая система США. Актуальные измерения. /Под ред. С.Червонной и С.Васильева. - М., 2000.
33. Салливан М. Масъул матбуот хизмати. –Т.: Regional Program Offise. Vienna. RPO. 2002.
34. Соловьёв А. Политология, политическая теория, политические технологии. - М.: Аспект Пресс, 2000.
35. Феофанов О. Реклама. Новые технологии в России. . – СПб.: Питер, 2000.
36. Чумиков А.Н. Связи с общественностью. Учебное пособие. – М.: Дело. 2000.
37. Эшбеков Т.У. Жамоатчилик билан алоқалар ва матбуот хизматлари. Маърузалар матни. - Т.: ЎзМУ, 2007.
38. Эшбеков Т. Ахборот хизмати: ишлаш усуллари ва тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Университет, 2010.
39. Гаффоров Н.Н. Жамоатчилик билан ишлаш – паблик рилейшнз. Ўқув қўлланма. - Т.: Zar qalam, 2004.
40. Хотамов Ғ., Ҳамроев Ш. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2004.

* * *

41. Абдиев И. Ахборот хизмати: масъулият, тезкорлик ва холислик. // Хуррият, 2011. 22 февраль.
42. Убайдуллаев У. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2000. №3-4. Б.2-3.
43. www.12.uz.
44. www.xdp.uz.
45. www.uzbekistonovozi.uz